2 6 ЯНВ 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 21 (20. 588) • 1990 йил 25 январь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

МЕҲНАТКАШ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ПРИНЦИПЛАРИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ, АҲОЛИ БАРЧА ТАБАҚАЛАРИНИНГ ЭНГ ЗАРУР ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БАРЧА ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ БУРЧИДИР.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ **ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР, ЗИЁЛИЛАР, МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ БАРЧА ТОИФАЛАРИ** ТАШАББУСКОРЛИГИ ВА ОМИЛКОРЛИГИНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙВЕРАДИ, ҲАР БИР МЕҲНАТКАШ АМАЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲИБИ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА ЭРИШИШ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛАВЕРАДИ.

(Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастуридан).

Суратда: Ҳ. Тошматова колхозчилар даврасида.

ДАРЁДАН ТОМЧИ

Ленинград районидаги К. Маркс номли колхоз раиси, биология фанлари номзоди Ҳабибахон Тошматованинг райондагина эмас, областда ҳам кўпчилик танийди. У ўзининг ҳалол меҳнати билан меҳнат аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозонган. Бу тажрибали раҳбарга колхоз меҳнаткашлари ишонч билдиришди. У 424-Янгиқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Ҳ. Тошматова 1968 йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетини имтиёзли диплом билан тугаллади. 1974 йили биология фанлари номзоди бўлди. Ана шундан кейин унинг қизғин меҳнат фаолияти бошланди. Область қишлоқ хўжалик бошқармасида, Ленинград район ветеринария лабораториясида самарали меҳнат қилди. У 1986 йилдан буён К. Маркс номли колхозга раислик қилмоқда.

Ҳабибахон раҳбарлик қилаётган колхоз райондаги сертармоқ, шу билан бирга иқтисодий жиҳатдан анча бақувват хўжалик ҳисобланади. Колхозда рентабеллик тобора яхшиланиб бормоқда.

Қуйидаги фактларга эътибор беринг. Колхозда 1988 йилга келиб соф фойда 2 миллион 9 минг сўмга етди. Бу кўрсаткич 1989 йилда ҳам чакки бўлмади. Колхозчиларнинг даромадлари ҳам ортиб бормоқда. Ҳар бир колхозчининг ўртача йиллик маоши 1986 йилда 1147 сўмга тўғри келган бўлса, 1989 йилда 1500 сўмни ташкил этди.

Колхоз раиси билан суҳбатлашдик.

Номзодлар ҳақида ҳикоялар

— Биз юқори кўрсаткичларга астойдил ишлаб, меҳнат ни ташкил этишнинг илғор усулларини қўлланиш билан эришмоқдамиз, — деди у. — Колхозимизда асосий тармоқ пахтачилик ҳисоб ланади. Кўпгина хўжаликлар пахта билан бўлиб чорвачилик хануз зарар келтирувчи тармоқ бўлиб қолмоқда. Колхозимизда бу борада ҳам олға силжишларга эришилаётир.

Колхоз областда анжир етиштирувчи бармоқ билан санарли хўжаликлардан бири. Хўжалик маркази Оққўрғон қишлоғи ўзининг шифобахш анжири билан довруг қозонган. Аммо бунга кўпгина раҳбарлар эътибор беришган эмас. Анжир фақат шахсий томорқалардагина етиштирилди. Ҳабибахон Тошматова бу имкониятдан фойдаланиш йўлини топди. Мавжуд 5 гектар анжирзордан мўл ҳосил олиш чораларини кўрди. Унинг ташаббуси билан анжир қиёми тайёрлаш цехи қурилди. Натижада колхоз бу цехдан 1988 йили 98 минг сўм, 1989 йилда эса 108 минг сўм даромад қилди.

Ҳаммага маълумки, бир гектар пахтадан келаётган даромад нари борса 2,5-3 минг сўмга етади. К. Маркс номли колхозда бир гектар ердаги анжирзордан олинаётган даромад эса сал кам 20 минг сўмга етмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар дарёдан томчи эканлигини раис яхши билади. Шу боис колхоз экономикаси, колхозчилар турмуш фаровонлигини ошириш учун тинмай изланади. Ҳозир колхоз территориясида 9 та қишлоқ бор. Уларда 2500 дан зиёд оила истиқомат қилмоқда. Ўтган йили 1028 оила уй-жой қуриш учун, 473 оила эса томорқа сўраб ариза берди. Уй-жой учун ер сўраб ариза берганларнинг 70 фоизи, томорқа сўраб ариза берганларнинг 30 фоизи талаби қондирилди.

— Депутатликка сайлансам, аввало аёлларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш учун курашаман, — дейди Ҳ. Тошматова. — Ундан кейин қишлоқларимизда муаммо бўлиб турган газ, ичимлик суви, медицина, мактаб ва маориф ишини яхшилашга ҳаракат қиламан.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

НОМЗОДЛАР АНИҚЛАНДИ

ЖОЙЛАРДА УЛАРНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ БОШЛАНМОҚДА, ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИГА КИРИШИЛДИ.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раиси Тўлқин Ҳамидович СОБИТОВ шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» газетаси муҳбири саволларига жавоб беради

— Икки ойдирки, республикамизда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига қизғин тараддуд кўрилмоқда. Сайловнинг муҳим босқичларидан ҳисобланган депутатликка номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш куни-кечагина тугалланди. Мазкур снёсий мавсум қандай ўтаётганлиги, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, секретариати ходимлари айни кунларда олиб бораётган ишлар ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Республикамизда дарҳақиқат, қайта қуриш даврининг муҳим снёсий воқеаларидан бири — Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига қизғин тараддуд кўрилмоқда. Унинг бош мақсади ҳақиқий демократия, ошкораликка эга бўлган халқ ҳокимияти органини сайлашдан иборатдир. Бу вазият бўлажак сайловларга тараддуд кўриш ва ўтказишга янгича муносабатда бўлишни талаб этади. Янги сайлов мавсумининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу галги сайлов билан боғлиқ барча ташкилий ва техник ишлар сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган. Бу эса партия ва совет ташкилотлари округ ҳамда участка комиссиялари фаолиятидан кўз-қулоқ бўлишлари, улардан амалий ёрдамларини аямасликларини талаб этади.

Сиз эслатганингиздек, снёсий мавсумнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди. Номзодларни рўйхатга олиш тугалланиб, сайловолди ташвиқот ишларига киришилди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигининг 500 мандатига бир ярим мингга яқин номзод кўрсатилди. Уларнинг кўпчилиги номзод сифатида рўйхатга ҳам олинди. Самарқанд, Фарғона каби бир қатор областларда бир мандатга ўртача тўрт нафардан номзод тўғри келяпти. Тошкент шаҳридаги 25-Ленин сайлов округи бўйича бир мандатга 16 нафар номзод кўрсатилиб, уларнинг 13 нафари рўйхатга олинди.

Ҳозирги кунгача Марказий сайлов комиссияси қабул қилган рўйхатга олиш бўйича протоколларга кўра рўйхатга олинган номзодлар сафида корхона ва ташкилотлар, колхоз ва совхозлар раҳбарлари, зиёлилар нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

— Қайта қуриш ва демократия талаблари сайлов мавсумининг боришига қандай таъсир кўрсатяпти?

— Партия бошлаб берган қайта қуриш туфайли бу галги сайловга тараддуд аввалги мавсумлардан тамоман бошқача асосларда ўтказилмоқда. Сайловга оид барча тадбирларда — депутатликка номзодларни кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш, сайловолди ташвиқот ва тарғибот ишларини ўтказиш, ниҳоят овоз беришда ҳам демократия, ошкоралик, номзодларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Сайловга оид ўтказилаётган тадбирлар кишиларимизнинг юксак гражданлик туйғулари, ижтимоий-снёсий фаоллиги ошганидан далолат беряпти. Меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва аҳоли истиқомат жойларида ўтказилаётган мажлислар, конференцияларда ҳар бир сайловчининг ўз фикрини эркин очиқ-ойдин, ҳеч қандай тазйиқсиз билдиришига имкон яратилмоқда. Бироқ, айрим жойларда демократияни фақат маълум гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат этдиришга уриниш ҳоллари бўляпти. Сайлов ҳақидаги Қонун талабларини нотўғри талқин этиш каби вазиятлар ҳам учраб турибди. Баъзи маҳаллий партия ва совет ташкилотлари сайловчиларнинг хоҳиш-истакларига қарши чиқаётгани ҳақида маълумотлар ҳам бор. Марказий сайлов комиссияси сайловчи-

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

24 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Бюро Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорини ва шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорни бажаришга доир ишидаги камчиликлар ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги салбий тенденциялар кучайганига қарамай, шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари ташаббуссизлик билан ва тарқоқ ҳолда ҳаракат қилаётганликлари, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги камчиликларга муросасозлик билан муносабатда бўлаётганликлари мажлисда таъкидлаб ўтилди. Уларга бўйсунувчи район бўлинмалари ҳуқуқ-тартибот, қонунийлик ва одил судловни амалга ошириш соҳасида юз бераётган жараёнларни чуқур таҳлил этишни таъминламаётирлар.

Муҳокама чоғида прокуратура, милиция ва судларнинг ҳаракати самараси камлигидан шаҳар меҳнаткашлари асосли равишда норози бўлаётганликлари уқтириб ўтилди. Республикада рўйхатга олинаётган ҳар тўрт жиноятдан бири Тошкент шаҳрида содир бўлмоқда. Жиноятлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва айниқса, 1988—1989 йилларда кескин ўсди. Шу билан бир вақтда ўтган йили 11 мингдан ортиқ жиноятни содир этган шахслар аниқланмай ва жазоланмай қолди. Гражданларнинг шахсий мулкига тажовуз қилишга, зўрлик ишлатиб қилинган жиноятларга, ҳизмат кўрсатиш ва кооперация соҳасидаги суиистеъмолларга, чайқовчиликка, социалистик мулкни ўғирлашга, группа бўлиб жиноят қилишга қарши кураш бўшаштириб юборилди.

Прокуратура ва ички ишлар органларининг, айниқса, тергов аппаратларининг, жиноий қидирув, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш, давлат автоинспекцияси бўлинмалари ва хизматларининг раҳбарлари, участка инспекторлари ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилмаётирлар, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда мавжуд имкониятлардан фойдаланмаётирлар. Уларнинг куч-ғайратлари жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга, группа бўлиб қилинган жиноят ташкилотчилари ва ташкилотчиларини, социалистик мулкни талон-торож қилувчиларни ва порахўрларни фош этиш ва жавобгарликка тортишга, чайқовчилар, ўғрилар ва талончилар хатти-ҳаракатларига чек қўйишга қаратилмаган. Шаҳар ва район ҳалқ судлари, адлия муассасалари фаолияти ошиб бораётган талабларга мос келмайди. Ҳуқуқий тарбия пала-партиш олиб борилмоқда, энг долзарб суд мажлислари тўғрисида жамоатчилик камдан-кам хабардор қилинмоқда. Судларда жиноий ишларни кўриб чиқиш чоғида сансалорлик ва хатоларга йўл қўйилмоқда, бу эса айрим айбдор шахслар узоқ вақт давомида ҳақли жазодан четда қолишига ва етказилган зарарни тўламай юришига имкон бермоқда.

Тошкент шаҳар, район партия комитетлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари профилактика чораларини ишлаб чиқишга расмиятчилик билан ёндашмоқдалар. Бундай чоралар районларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш планларидан ажралиб қолмоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг иш ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида чинакам жон куйдирилмаяпти.

Жиноятчиликка қарши кураш шаҳар муваққат комитети ўз ишини анча кечикиб бошлади. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда шаҳарга ва ўз бўлинмаларига таъсирчан ёрдам бермаётирлар.

Марказий Комитет Бюроси Тошкент шаҳар партия комитетининг, район партия комитетларининг, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари, шаҳар ва республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари коммунист раҳбарларининг эътиборини жиноятчилик кўпайиб боришини тўхтатишда, гражданларнинг ҳаётига, шанига, мулкига ва давлат манфаатларига кўз олайтирган шахсларнинг муқаррар жазоланишини таъминлашда сусткашликка ортиқ йўл қўйиб бўлмаслигига қаратди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари жиноятчиликка қарши курашда туб бурилишни таъминлаш, кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларни янада тозалаш, шунингдек, биркитилган иш участкасида тартиб ўрнатишга қодир бўлган профессионал кадрлар негизини яратиш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилдилар.

Уларга бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Тошкент шаҳрида жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш юзасидан ташкилий-техникавий, мафкуравий ва ҳуқуқий чоралар программасини шу йил 1 мартга қадар ишлаб чиқиш, Тошкент шаҳар ижроия комитети адлия бошқармаси, Акмал Икромов ва Октябрь район халқ судлари, Адлия ходимлари малакасини ошириш республика курси, Акмал Икромов район ижроия комитети ички ишлар бўлими иши учун тегишли шарт-шароитни яратиш масаласини ҳал қилиш таклиф этилди.

Бюро Тошкент шаҳридаги совет, касаба союз, комсомол, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва хўжалик идоралари раҳбар коммунистлари зиммасига шу йилнинг биринчи ярмида меҳнат коллективлари кенгашлари билан биргаликда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишни таъминлашга ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот қўшадиган аниқ улушни белгилаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига моддий, молиявий, техникавий ёрдам бериш масалаларини ҳал қилиш вазифасини юклади. Кўнгилли халқ дружиналари, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш жамоатчилик пунктлари, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш кенгашлари, ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари, ўртоқлик судлари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фаолияти устидан ишчи назорати комиссияларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янгилаш вазифаси қўйилди. Бошланғич партия ташкилотларида ижтимоий фаолиятнинг ана шу соҳаларини раҳбарлар, мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари орасидаги ташаббускор, принципиал коммунистларга топшириш керак.

Марказий Комитет Бюроси республикада юбилей билан боғлиқ маданий тадбирлар, адабиёт ва санъат байрамлари, симпозиумлар ва конференцияларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Тегишли республика комиссияси тузилиб, унга манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ана шу масалалар юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

Мажлисда республика агросаноат комплекси илғорлари қурултойини 1990 йил 16-17 март кунлари Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номли Халқлар дўстлиги саройида ўтказишга қарор қилинди. Қурултойга тайёргарлик кўриш Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети зиммасига юкланди.

Бугунги сонда:

● 1-бет:

«Наврўз» — азалий, анъанавий меҳнат байрами

● 2-бет:

Ишлар ҳаётига эътиборни кучайтириш — партия ташкилотларининг муҳим вазифаси

● 3-бет:

Тилга эътибор — элга эътибор

● 4-бет:

Назм дафтарида: диёр ва яхшилик мадҳи

Тил ҳақидаги Қонун амалга оширилмоқда

Республика Министрлар Совети ҳузурида ташкил этилган Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш масаласи билан шуғулланувчи комиссиянинг 23 январда бўлиб ўтган мажлисида министрликларга, идораларга, маҳаллий Советларга, мазкур Қонуннинг рўёбга чиқарилишига алоқадор бўлган барча кишиларга нисбатан талабчанликни кучайтириш вазифаси ўртага қўйилди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов олиб борди.

Савдо, соғлиқни сақлаш министрликлари, Тошкентнинг Собир Раҳимов ва бошқа районлари ЗАГС бюролари иши тўғрисидаги ахборотлар тингланди. Давлат тилига ўтиш борасида муайян ишлар қилингани таъкидланди. Жумладан, министрликларда комиссиялар тузилди ва мазкур комиссиялар ишлаб чиққан тегишли тадбирлар амалга оширилди. Масалан, республика Савдо министрлигида ходимларни ўзбек тилини ўрганиш учун бепул ўқитиш курслари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги тармоқ олий мактаблари, билим юртлари, малака ошириш курсларини дарсликлар ва илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш борасида бир талай тадбирлар кўрмоқда.

Шу билан бирга министрликларнинг Қонунни амалга ошириш ишларида муайян камчиликлар борлиги таъкидланди. Аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлиб ишлайдиган раҳбар ва бошқа ходимларни давлат тилига ўқитиш ишларини жадаллаштириш талаб қилинади. Министрликларда мажлислар, кенгашларнинг синхрон таржима қилинишини таъминлаш муаммоси ҳали ҳам ҳал этилгани йўқ.

ЗАГС ходимлари олдида талайгина ишлар турибди. Қўшимча штатлар, справочниклар, қоғоз, ташкилий техника ва бошқа моддий-техника ресурсларига талаб қондирилмаяпти. Гражданларнинг фамилияси, исми ва отасининг исмига тузатишлар киритиш учун ўнлаб ҳужжатларни тўплаш ва топширишга тўғри келмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Адлия министрлигига, ЗАГС идораларига тушунтиришлар бериш ва гражданларнинг шахсий аризаларига кўра ўз фамилияси, исми ва отасининг исмини тузатиш ишларини осонлаштириш имкониятларини кўриб чиқиш, республика Матбуот давлат комитети билан биргаликда ўзбекча исм ва фамилиялар ёзилган справочник тайёрлаш вазифаси юкланди.

Комиссия мажлисида республика давлат План комитети ва Молия министрлигининг раҳбарлари ҳам Қонунни амалга ошириш учун зарур маблағлар, моддий-техника ресурслари ажратиб беришга доир чора-тадбирлар тўғрисида гапирдилар.

Ҳукумат комиссияси давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга оширишга доир давлат программаси қандай тайёрланаётганлигини муҳокама қилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР НАШРИЁТ, ПОЛИГРАФИЯ ВА КИТОБ САВДОСИ ИШЛАРИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ НОМИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МАТБУОТ КОМИТЕТИ ДЕБ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг номи Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети деб ўзгартирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
Б. БУГРОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 24 январь.

ТОШКЕНТДА «НАВРЎЗ» БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛДИ

Ташкилот комитети аъзолари — бир қанча министрликлар ва идоралар, идеология муассасалари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, жамоатчилик вакиллари — халқ байрамлари ва расм-русумларини янада такомиллаштириш, уларнинг меҳнаткашларни маънавий-ахлоқий, байналмилалчилик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини ошириш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилдилар. Жамиятни янгилашнинг ҳозирги ҳал қилувчи босқичида, миллий ўзлигини англаш жадал кучайиб бораётган жараёнда асоссиз унутиб юборилган халқ анъаналарини қайта тиклаш, уларни бутун чоралар билан бойитиш ва ривожлантириш масалалари тобора катта аҳамият касб этаётганлиги уқтирилди. «Наврўз» қадим-қадимда Шарқда, жумладан Ўзбекистонда жуда кенг тарқалган азалий халқ байрами эканлиги таъкидланди.

Ушбу байрам негизини деҳқон меҳнатини қадрлаш, табиатни авайлаб-асраш, одамларга меҳр-мурувват кўрсатиш, саховатлик қилиш, тинчликка ва яхши қўшничиликка интилишнинг ажойиб анъаналари ташкил этади.

«Наврўз»ни республикада кенг байрам қилиш тўғрисида таклиф киритилди. Ўзбекистон ССР министрликлари, идоралари, жамоат ташкилотларига, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситаларига ана шу ҳақиқий байналмилал халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан аниқ-равшан топшириқлар берилди.

Халқ байрамлари ва расм-русумларини тиклайлик

Кейинги йилларда ошкоралик, демократия, қайта қуриш борасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида ташкил этилган Идеология комиссияси халқимизнинг таклиф ва талаблари, истак ва интилишларини ҳисобга олиб, бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Шундай тадбирлардан бири сифатида Идеология комиссиясининг январь ойида ўтказилган йиғилишида «Наврўз» байрамини ўтказишга оид масалалар кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг халқимиз маросимлари, урф-одатлари ва байрамлари борасидаги амалий тадбирлари меҳнаткашлар, кенг жамоатчилик томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда.

Хусусан, «Наврўз» байрамининг тикланиши ва 21 март кунининг дам олиш куни сифатида белгиланиши билан халқимизнинг узоқ йиллар давомидаги эзгу-орзуси амалга ошди. Ўтган 1989 йилда «Наврўз» байрамининг кенг нишонланиши кишиларимизнинг касби, ёши, миллатидан қатъи назар халқ анъаналарига бўлган катта қизиқишларидан, хайрихоҳлигидан далолатдир. Чунки «Наврўз»да жамиятимиз удумлари, урф-одатлари тўла намойиш этилди, дўстлик, бирдамлик ўз ифодасини топди.

«Наврўз» ота-боболаримизнинг деҳқончилик билан шуғуллана бошлашлари заминида шаклланган қадимий байрамдир. Шу боисдан «Наврўз» турли ерларда кишиларнинг яшаш шароити, географик муҳит билан боғлиқ ҳолда турлича ўтказилган (чунонси, тоғли ерларда ўзига хос шаклда, дарё бўйи, сайлгоҳларда ўзгача ва ҳоказо).

«Наврўз» халқимизнинг она ерга бўлган муносабати, ундан эҳтиёткорона, билиб, тушуниб фойдаланиш, ҳосилдор ерлар сифатини, экологик ҳолати, унумдорлигини сақлаш ва ошириш, кишиларда табиат ва у барпо этган эҳсонларга муҳаббат билан муносабатда бўлиш кераклигини уқтирган, тарғиб этган. «Наврўз» деҳқонларнинг баҳорда дастлабки дала ишларини бошлашлари билан боғлиқ маросимдир. «Наврўз»нинг охирги кунларида ерларни шудгорлаш, дон, экин экиш бошланади. Худди шу ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда «қўш қўниш», қўш оши», «биринчи чигит» («экиш сайли») каби кўплаб удумлар вужудга келган. «Наврўз»нинг жуда катта, буюк тарбиявий хусусиятларини, одамийлик, инсонпарварлик, умумбашарий сифатларини ҳам таъкидламоқ лозим. Аввалмбор, «Наврўз» кунлари мамлакатлар, шоҳлар орасидаги ҳар қандай урушлар, жанжалли масалаларга чек қўйилган, кишилар орасидаги хафачиликлар унутилган, урушган, аразлашган одамлар бу кунлари ярашиб, бир дастурхон атрофида даврa қурганлар. «Наврўз» кунлари бутун халқ хушчақчаклик билан хордиқ чиқарган. Бунчалик умумбашарий, умрбоқий яхшиликларни тарғиб қилувчи азалий ва навқирон удумимизни ҳар қанча таъриф этсак, ривожлантирсак арзигуликдир. «Наврўз» на фақат хурсандчилик, кулгу, хушчақчаклик билан чегараланади, айни пайтда байрамолди, байрам ва ундан кейинги кунларда кишилар ўз юмуш ва тадбирларини ҳам режалаганлар, унга маълум умид боғланганлар. Март ойининг бошланиши биланоқ катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган қариялар янги мавсум режалари хусусида фикрлашганлар, намгарчиликка, об-ҳавога қараб, қайси ерларга қандай экин экиш, сувнинг қандай (озми, кўпми) бўлиши ва уни тежаб-тергаб тақсимлаш, қайси кундан бошлаб ерни ҳайдаш, чигит қадаш, от-улов, омочларни ер ҳайдашга ҳозирлаш каби кўплаб масалалар хусусида маслаҳатлашиб олганлар. Шунинг учун «Наврўз» байрами 21-22 март кунлари — кун билан тун тенг келган куни Янги йил сифатида хушчақчақ ўтказиладиган байрам, деган фикр билан чекланмаслигимиз лозим. «Наврўз» март ойининг дастлабки кунларидан бошлаб халқимиз катта тайёргарлик билан ўтказадиган баҳор байрами ҳисобланади. «Наврўз» байрамига баҳор ойларида ўтказиладиган деярли барча удум, маросимларни киритиш мумкин. Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек, «Наврўз» Янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади. Наврўз... Қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга

(Давоми учинчи бетда).

НОМЗОДЛАР АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

лардан ҳар куни кўплаб хат ва хабарлар, телеграммалар олиб турибди. Шу кунлардаги хатларнинг кўп қисмида Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатилган баъзи номзодлар асоссиз равишда рўйхатга олинмаётганидан шикоят қилинган.

— Масалан?..

— Мисол учун Наманган шаҳридаги Совет районида истиқомат қилувчи сайловчилардан олинган шикоятни олиб кўрайлик. Улар 241-Тўқимачи сайлов округи округ комиссияси кўрсатилган номзодни рўйхатга олмаганидан шикоят қилишган эди. Текшириб кўрсак, истиқомат жойидан депутатликка номзод кўрсатишда сайлов ҳақидаги Қонун талабларидан четга чиқилган экан. Шу сабабли аризачилар талаби қондирилмади. Сайлов ҳақидаги Қонунни яхши билмасак ҳам сайловчилар ва округ сайлов комиссиялари ўртасида баъзи зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Масалан, 84-Телов сайлов округи территориясидаги Қорабалиқ, Санам ва Бекмуродовул қишлоқлари аҳолиси истиқомат жойидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод кўрсатиш учун мажлис ўтказишган. Бироқ у халқ депутатлари Телов қишлоқ Совети ижроия комитети ва округ сайлов комиссиясига хабар қилмасдан ўтказилган, яъни «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ҳақида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 31-моддаси бузилган.

Округ сайлов комиссиялари ва ижроия комитетлар меҳнат коллективлари ўртасида сайлов ҳақидаги Қонун талабларини яхши ташвиқот қилмаётганликлари учун ҳам айрим камчиликлар содир бўлмоқда. Масалан, Тошкент шаҳридаги қурилиш механизацияси трести меҳнат коллективлари конференцияси 12-Комсомол сайлов округидан депутатликка ўз номзодларини кўрсатишган. Номзод эса мазкур сайлов округи территориясида ишламайди ҳам, яшамайди ҳам. Трестнинг ўзи эса 8-сайлов округида жойлашган. Шуни ҳисобга олиб, Марказий сайлов комиссияси 12-сайлов округи округ комиссиясининг қурилиш механизацияси трести кўрсатган номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорини бекор қилди.

Сайлов ҳақидаги Қонунни пухта билмасликлари оқибатида айрим округ сайлов комиссиялари, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ҳамда истиқомат жойларидаги ташаббускор органлар томонидан номзод кўрсатишда, уларни рўйхатга олишда шу каби нуқсонларга йўл қўйилди.

— Қайси областлардан кўпроқ шикоят ва аризалар оляпсизлар?

— Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Сирдарё областлари ва Тошкент шаҳри сайловчиларидан нисбатан кўп шикоят ва аризалар олинди. Бу айрим сайлов округлари сайлов комиссиялари сайлов ҳақидаги Қонунни пухта ўрганиб олмаганликлари, гражданларнинг мурожаатларига ишонарли, асосли пишиқ-пухта жавоб бермаётганлигидан далолатдир. Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳар куни арз билан келган гражданларни қабул қилиб, қўйилган барча масалаларни тўла-тўкис ҳал этиш чорасини кўришяпти. Хатларда кўрсатилган масалалар эса Марказий сайлов комиссияси аъзолари, секретариати ходимлари томонидан жойларга бориб текширилмоқда.

Ҳа, сайлов мавсумида жойларда ана шу каби бир қатор камчиликлар, тушунмовчиликлар, мураккабликлар содир бўлмоқда. Бироқ, бундан қатъи назар Ўзбекистонда республика халқ депутатлари сайловига тараддуд сайлов ҳақидаги Қонун талаблари асосида олиб борилиши учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари билан биргаликда Қонунни четлаб ўтишнинг ҳар қандай кўринишларига принципиал муносабатда бўлинаётир.

— Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ўтказиш тартиби қандай? Улар хоҳлаганча учрашув ўтказаверишадими ёки округ сайлов комиссиясидан рухсат олиши шартми?

— Округ сайлов комиссиялари депутатликка номзодларни рўйхатга олгандан сўнг меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда депутатликка кўрсатилган номзодларнинг меҳнат коллективларида ҳам, шунингдек сайловчиларнинг истиқомат жойларида ҳам улар билан учрашувини ўтказади.

Йиғилишлар қачон, қаерда ўтказилиши ҳақида сайловчилар, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари барвақт хабардор қилинади.

Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини неча жойда ўтказиш лозимлиги сайлов округининг катта-кичиклигига, сайловчиларнинг иш жойлари ёки яшаш жойининг шароитига боғлиқ. Шунинг учун бу масалани округ сайлов комиссиялари меҳнат коллективлари билан, жамоат ташкилотлари билан маслаҳатлашиб ҳал қилади.

Бир кунда ва бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар билан бирга маҳаллий Советлар депутатлари номзодларининг учрашувларини ўтказиш мумкин. Бу йиғилишларда сайловчиларга ўз фикрини баён этиш ва таклифлар киритишга имкон берилади.

Депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан фақат округ сайлов комиссиялари ташкил этган йиғилишлардагина эмас, балки сайловчилар ва ўзларига маъқул келган вақтда, ҳолатда, масалан, уйма-уй юриб, чойхоналарда, унча катта бўлмаган одамлар гуруҳи ҳузурида ҳам учрашувлар ўтказишлари мумкин.

— Сайловолди ташвиқот ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бунда нималарга кўпроқ эътибор бериш зарур?

— Сайлов ҳақидаги Қонунда депутатликка номзод кўрсатган меҳнат коллективларига, сайловчиларга, жамоат ташкилотларига ўз номзодларини бемалол ташвиқот қилиш ҳуқуқи берилган. Бунда депутатликка номзоднинг сиёсий, амалий ва шахсий фазилатларини эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилиш, шунингдек, йиғилишларда, матбуотда, телевидение, радио орқали номзодни ёқлаб ёки унга қарши ташвиқот олиб бориш ҳуқуқи гарантияланади. Депутатликка номзод учун қарши ташвиқот олиб бориш да унинг шахсий ҳаётидаги икир-чикирларни ковлаштириш, унинг шахсини ҳақорат қилишга йўл қўйилмаслиги зарур. Умуман сайловолди «кураш»и сиёсий баҳс-мунозара тарзида ўтказилиши ва ҳар икки томон баҳс-мунозара маданияти чегарасидан чиқмасликлари зарур.

СССР халқ депутатлигига номзод бўлган кўп хўжалик раҳбарлари сайловолди ташвиқот ишларида корхоналар ва ташкилотлар маблағларини совуришган эди. Оддий лавозимдаги депутатликка номзодлар, масалан, ишчилар, деҳқонлар, ўқитувчиларда бундай имкониятлар бўлмаган. Бу меҳнаткашлар ўртасида норозилик уйғотган. Шуни ҳам ҳисобга олиб, «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ҳақида»ги Қонунда номзодларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга алоҳида эътибор берилган.

Сайлов ўтказиладиган куни депутатликка номзодларни ташвиқот қилиш ман этилади.

Биз — байналмилалчилармиз

ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ

● Минск олий партия мактабида Ўзбекистон ССР кунлари ўтказилди.

Бу ерга ташриф буюрганлар жумҳуриятимиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар, китоб, газета-журналлар билан яқиндан танишдилар. Махсус деворий газета чиқарилди. Ҳаваскорлик саҳнасида пахтакор ўлкани мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар янгради, рақслар ижро этилди. Байрам дастурхони ҳам серқуёш диёр саховати билан тўлди. Мактаб тингловчилари томонидан тайёрланган миллий таомлар кўпчиликка маъқул келди. Ўзбекистон кунлари мезбонларда яхши таассурот қолдирди.

И. НОРҚУВВАТОВ.

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

● Ленинград районининг маркази — Учкўприк қишлоғидаги «Ором» кафеси байрамона безатилди.

Бу ерда «Қардошлик оиласида» деган адабий-музикали кеча бўлиб ўтди.

Районда 15 дан зиёд миллат вакиллари аҳил яшамоқдалар. Район болалар поликлиникасининг мудираси С. Зайнобиддинованинг сўзлари диққатга сазовор: «Мен турк миллатига мансуб аёлман. Қатағон туфайли бу ерга келиб қолганимда ёш бола эдим. Ўзбеклар орасида улгайдим. Меҳр-саҳоватидан баҳраманд бўлдим. Тақдир тақозоси билан ўзбек йигитига турмушга чиқдим. Ҳаётимдан мамнунман».

Дўстлик кечасида турли миллатларга хос оҳанглар таралди, қўшиқлар куйланди, шеърхонлик бўлди.

Ў. АКБАРОВА,
М. СУЛТОНОВ.

ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Бухородаги 7-ўрта ҳунартехника билим юртида турли миллат вакиллари таълим олишади. Улар устозлар ёрдамида ўзлари ихлос қўйган касб-сирларини пухта ўрганишмоқда. Билим юртини тамомлаган талабалар Газли, Шўртан, Муборакдаги йирик саноат даргоҳларида ишлашаётир.

Штатсиз фотомухбир Ҳ. ҚУРБОНОВ олган бу суратда уста Рамазон Ғойибов ўз шогирдлари даврасида тасвирланган.

Партия турмуши: комсомолга раҳбарлик

Қарши шаҳрида 400 дан зиёд турли саноат, қурилиш, савдо, маиший хизмат ва бошқа ташкилотлар бор. Уларда минглаб комсомол-ёшлар меҳнат қилади. Иккита олий, 8 та ўрта махсус ўқув юрти ва 31 та ўрта мактабда кўплаб ёш авлод таълим олмоқда. Шаҳарда 31 минг 300 нафар комсомол аъзоси бор.

Хўш, айни кунларда шаҳар ёшлари, комсомоллари қандай ташвиш билан яшамоқдалар? Уларнинг унумли меҳнат қилиши, ўқиши, дам олиб, маданий ҳордиқ чиқариши учун зарур шароитлар яратилганми? Ўз ечимини топмаётган қандай муаммолар ёшларни безовта қилмоқда? Газетамиз мухбирлари шаҳар партия ва комсомол ташкилотларида, айрим ўқув юртлари, ётоқхоналар, спорт, маданий ҳордиқ масканларида бўлиб, шу каби масалалар билан қизиқдилар.

ЁШЛАРГА ИШОНЧ ВА ҒАМХЎРЛИК

ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ АЙРИМ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КОМСОМОЛГА РАҲБАРЛИК ИШИ СУСТ, ЁШЛАР ТУРМУШИГА, МУАММОЛАРИГА ЭЪТИБОР КАМ

«Ҳозирча шаҳар комсомол комитети гапдан амалий ишга дадил ўта олмаяпти. Комсомол ташкилотлари фаолиятида дабдабабозлик, гапбозлик, қоғозбозликка бутунлай чек қўйилмаяпти. Комсомол аъзолари актив позицияда туриб, қайта қуриш жонкуяри эканликларини намойиш этолмаяптилар». Шаҳар комсомол ташкилотининг XXIX конференциясида сўзга чиққан шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. Ҳаққулов ўз нутқида ана шундай деб таъкидлади. Қарши шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Бўрон Бойқувватов билан суҳбатимизда унга даставвал: мана шу танқидий фикрга муносабатингиз қандай? — деган саволни бердик.

— Танқидга тўла қўшиламан, — деди у. — Бироқ ёшларнинг сусткашлик кўрсатаётганликлари сабаби нимада? Бунга шундай деб жавоб берилса тўғри бўлади: ёшларга жуда кам ишонч билдиришади. Масалан, шаҳар ташкилотлари ва корхоналарини олайлик. Комсомол-ёшларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш комсомол ташкилотларининг ихтиёрисиз амалга оширилмоқда. Меҳнат коллективлари кенгашларида комсомоллар озчиликни ташкил этади. Уларнинг фикрига эса доим ҳам қулоқ солавершимайди. Табиийки, бу ёшларнинг ҳафсаласини пир қилади, ишга иштиёқини бутунлай пасайтиради. Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида идеология ишларини кучайтириш тўғрисида партия, совет, комсомол ташкилотларида кўп гапирилади-ю, амалий иш сезилмайди. Шаҳримизда 31 мингдан зиёд комсомол аъзосини бирлаштирган 251 та бошланғич комсомол ташкилоти борлигини ҳисобга олсак, бу анча мушкул вазифа эканлиги аён. Шу боисдан ҳам биз ёшларни сўз билан эмас, балки кўпроқ аниқ амалий ишлар билан қизиқтиришга қарор қилдик. Масалан, айтайлик, шаҳардаги саноқли мактаблардагина компьютер бор. Аксарият мактабларда эса ўқувчилар компьютер ёрдамида мустақил фикрлаш кўникмасини ҳосил қилишдан маҳрум. Шунинг учун ҳам шаҳар комсомол комитети қизиқарли бир фикрни — битта «Икарус» автобусини компьютер техникаси билан жиҳозлаб, уни кўчма қилиб қўйишни таклиф этди. Биз шаҳар ижроия комитетига ана шу амалий таклиф билан чиққанимизда, у ердан рад жавобини олдик. Очиғи бизни шаҳар партия комитети ҳам ўз вақтида қўллаб-қувватламади.

Шаҳарда ёшларнинг бир қанча илмий-техника ижодкорлиги клублари бор. Қарши давлат педагогика институтида студентларни мустақил илмий-техника фаолиятига жалб этиш юзасидан муайян ишлар олиб бориляпти. Бу ерда «Студентлар конструкторлик бюроси», «Автомобиль», «Конструкцияларни техник моделлаштириш» клублари, «Радиоэлектроника», «Ёш радиоҳаваскорлар» тўгаракларида ишлаш ташкил этилган. Студентларнинг тўгаракларда бажарадиган ишлари доимо деворий газеталарда, илмий конференцияларда қилинадиган докладларда акс этяпти. Институт қошидаги участкада студентларнинг ўз ташаббуслари билан юзага келган қуёш нури билан иситиладиган парник ишлаб турибди. Юқори курсларнинг бир неча студентлари ишлари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломларига сазовор бўлди.

Шаҳар комсомол комитети ҳузурида ташкил этилган «Альфа» илмий-техника ижодиёти маркази фаолияти диққатга сазовор. Марказ хорижий ва совет электр ҳисоблаш техникаларини ремонт қилиш, бадиий бўёқчилик, чеканка ва бошқа ишлар бўйича ташкилотлар билан 68 минг сўмлик шартнома тузган эди. Шундан 32 минг сўмлик иш бажарилди. Ёш ижодкорларда кўпгина ижобий ва ижодий фикрлар ғояси бор-у, аммо уларни амалий ишга жорий этишда қийинчиликларга дуч келиняпти. Масалан, хомашё ва керакли асбоб-ускуналар етишмайди. Транспорт йўқ. Маблағ бор-у, керакли нарса сотиб олишга рухсат беришмайди.

Шунингдек, ёшларнинг илмий-техника ижодкорлиги клубларига эътибор ҳамма ерда ҳам яхши, деб бўлмайди. 1988 йил бошида «Каршистройиндустрия» бирлашмасида «Новатор» клуби ташкил этилиб, унга 72 квадрат метр саҳнли бино ажратилган эди. Лекин, маъмуриятнинг мутлақо эътибор бермаётганлиги, зарур жиҳозлар келтириш, клуб аъзоларига ҳақ тўлаш масалалари ҳал этилмаганлиги сабабли бу клуб ҳамон иш бошлагани йўқ. Умуман, ёшларнинг шаҳардаги аксарият илмий-техника ижодкорлиги клублари хўжакўрсинга ташкил этилган. Ваҳолонки, бундай коллективларнинг қўлидан кўп иш келади. Бунинг учун моддий база мустаҳкам бўлиши, маъмурият ва партия ташкилоти қўллаб-қувватлаши керак.

— Ёшларнинг бугунги ташвишлари, туриш-турмуши, бўш вақтларини фойдали ўтказиши ҳақида фикрингиз қандай?

— Аввало шуни айтишим керакки, кейинги пайтларда ҳамма ерда видеозаллар ташкил этилганди. Бироқ уларда комсомол ёшига етган ёшларга юксак савиядаги бадиий фильмлар кўрсатилмасди. Ҳолбуки, Ватанимизда кўплаб ажойиб картиналар яратилган. Таққослаб кўринг-а, миллионлаб ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаган «Ёш гвардия» фильми ёшларга нимани ўргатди-ю, тўқиб чиқарилган Рэмбо нимани ўргатади? Олди-қочди фильмлар бағритошлик, зўравонлик, беадаблик ва сурбетликка ўргатмайди, деб ким кафолат бера олади? Бундай «кўнгилочар» фильмларни кўрсатаётган видеобарларни ҳеч ким назорат қилмасди. Область видеомарказида Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган фильмлар етарли эмасди. Шунга кўра шаҳар партия ва совет ташкилотлари видеобарларни вақтинчалик ёпиб қўйишга ва ёшларга юқори минбарлардан турриб маъруза ўқиш эмас, балки энг асосийси — уларни амалий ишга жалб этишдир.

Агар стадионга, кутубхоналар, маданий ҳордиқ ва спорт масканларига эътиборни кучайтириб, уларнинг иш шароитлари, моддий базаси яхшиланганда бу масканлар видеобарлардан кўра ёшлар билан гавжумроқ бўлармиди? Дарвоқе, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда муҳим роль ўйнайдиган спорт масканлари хусусида икки оғиз сўз.

Шаҳардаги «Меҳнат» стадионида аҳвол унчалик яхши эмас. Заллар шундоққина стадион минбарлари остида жойлашган, душхоналар йўқ, кийим алмаштирадиган хоналар ёритилмайди, поллар чириб, тешилиб ётибди. Мерганлик тири эса худди музхона каби совуқ. Устига-устак бу ерда пневматик ва стендга отиш учун тирлар йўқ.

Тўғри, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда «Каршистрой», «Каршистройиндустрия» бирлашмалари, давлат педагогика институти комсомол ташкилотлари ибратли ишлар қилмоқдалар. Улар тематик кечалар, халқ анъанавий байрамларини қизиқарли ўтказмоқдалар. Офицерлар уйида дискотека ташкил қилинмоқда. Лекин бунга кўпчилик ёшларни жалб этиш қийин. Шунинг учун ҳам шаҳар комсомол комитети болалар истирҳат боғидаги «Буратино» кафесида доимий ҳаракатдаги дискотекани ташкил этишга уринди. Бу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилди. Сигнал ва телефон алоқаси ўрнатилди. Афсуски, шаҳар ошхона ва ресторанлар трести директори Р. Холдоров иш энди битганида тўнини тескари кийиб олди. «Биз бегоналарга ҳеч нарса бермаймиз», деб оёқ тираб туриб олди. Мана, сизга ёшларга муносабат ва ғамхўрлик «намунаси».

Мен ёшлар, уларнинг туриш-турмуши, ўқиши, меҳнати ва дам олиши билан боғлиқ айрим муаммоларнигина тилга олдим. Йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммолар ҳам оз эмас. Бугунги кунда ёшларга юқори минбарлардан турриб маъруза ўқиш эмас, балки энг асосийси — уларни амалий ишга жалб этишдир.

БИЗНИНГ ШАРҲ: Спорт, маданий ҳордиқ масканлари ана шундай қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилаётган экан, шаҳардаги микрорайонларда янги-янги спорт комплекслари, теннис кортлари, майдончалар қуришга ҳожат борми! Ундан кўра мавжуд масканларни яхшилаб қайта жиҳозлаб, улардан тўғри ва унумли фойдаланилса дуруст бўлмайдими!

Умуман, шаҳардаги «Геолог», «Меҳнат» ва бошқа стадионлар, бассейн ва теннис майдонларини кўпинча бўм-бўш ҳолда кўриш мумкин. Булар ёшлар ихтиёрига бериб қўйилганига қарамай ўсмирлар, йигит ва қизлар спорт иншоотларига камдан-кам келишади. Энг ачинарлиси шуки, ёшларнинг спортга қизиқиши сўниб бормоқда.

Ёки Ёшлар марказини олиб кўрайлик. Область музикали драма ва комедия театрининг эски биноси бундан бир неча йиллар бурун «Ёшлар маркази» деб аталган эди. Лекин унда ёшлар бирор тадбир ўтказишмайди. 1988 йилнинг март ойида «Кашкадарьинская правда» область газетасида «Ёшлар маркази, у қаерда!» сарлавҳали танқидий материал босилганди. Унда шаҳар комсомол комитети адресига танқидий фикрлар билдирилган эди. Бу чиқишдан сўнг ёшлар марказини қайта жиҳозлаш учун 100 минг сўм комсомол маблағи ажратилди. Анча-мунча ишлар қилинди. Бироқ, бу етарли эмас.

Комсомол етакчиси таъкидлаганидек, номи «Ёшлар маркази-ю» аслида бинода шаҳар маданият бўлими, маданият уйи, область илмий-методик маркази каби ташкилотлар жойлашган. Бунинг устига бино яхши иситилмаётганлиги учун ҳам бу ерда қиш ойларида бирор тадбир ўтказиш қийин.

Қарши давлат педагогика институти талабаси Р. Уроқов шаҳарком конференциясида сўз олиб, ўзи ўқиётган олий ўқув юрти территориясидаги кафега «Ёшлар кафеси» номини бериш ҳақидаги студентларнинг таклифи эътиборсиз қолдирилганлигини таъкидлаб, шаҳар комсомол комитетидан ана шундай кафени очишда ёрдам беришни сўраган эди. Ҳозирча бу таклиф ҳам қоғозда қолмоқда.

Комсомолнинг кучи унга изчил партиявий раҳбарликдадир. Қаерда партия ташкилотлари, корхона ва муассаса раҳбарлари чин дилдан комсомолга ғамхўрлик қилаётган, бўлса, ўша ерда комсомол фаолиятида жонланиш сезилмоқда. Аммо шаҳардаги айрим муассаса ва корхоналарнинг ташкилотлари комсомол партиянинг ишончли ёрдамчиси ва резерви эканлигини унутиб қўймоқдалар. Бунга «Ўзбекгазлаштириш» трестининг 4-механизациялашган кўчма колоннаси, Қарши ремонт ва алкоголсиз ичимликлар тайёрлаш заводлари партия ташкилотларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Улар ойлаб, ҳатто йиллаб ёшларнинг ишлари ва муаммолари билан қизиқмай келишяпти.

Хуллас, куч-ғайратга тўлган ўсмирлар, ёшлар қаерда жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланишади, қаерда маданий ҳордиқ чиқаришади! Қандай меҳнат қилишади! Бу масалалар партия ва совет ташкилотлари диққат марказида бўлмоғи, улар ҳамиша ёшлар турмуши ва муаммоларига, талаб ва истакларига жиддий эътибор бермоқлари зарур.

Зеро, ёшларга, комсомолларга кўпроқ ишонч билдириш, уларга доимо ғамхўрлик қилиш, улар билдираётган қизиқарли, амалий таклифларга эътибор билан ёндашиш демократия ва ошкоралик даври талаби эканлигини унутмаслик керак.

М. КАРОМОВ,
О. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Маданий меросга янгича назар

Тошкентда, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих институтида ўтаётган симпозиум Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари маданий меросини ўрганишга бағишланди. Тарихчи, археолог, филолог, санъатшунос олимлар докладларда, ахборотларда, мунозараларда минтақа халқларининг маданий меросини сақлаб қолиш, ўрганиш ва бойитиш муаммоларини муҳокама қилмоқдалар.

— Тарихий ва маданий меросимизга янгича назар билан қараш зарур, — дейди симпозиум қатнашчиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов. — Унинг барча саҳифаларини чуқур ва батафсил ўрганиш, шунингдек бу бойликка диннинг қўшган ҳиссасини холис баҳолаш муҳимдир. Ўрта Осиё минтақаси аҳолисининг маданий меросини ўрганишда барча қардош республикалар олимларининг куч-ғайратларини бирлаштириш керак. Турли халқлар маданий ютуқлари ана шу меросда чамбарчас боғланиб кетган.

(ЎзТАГ).

Озарбайжон ва Арманистондаги аҳволга доир

Боку шаҳрида ва Озарбайжонда вазият мушкуллигича қолмоқда. Шаҳар ҳарбий комендантининг хабарига кўра, экстремист гуруҳлар қўшинлар билан тўқнашувлар келтириб чиқариб, жиноий ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Душанба куни кечқурун ҳарбий хизматчилар, аёллар ва болалар тушган автомашиналар карвони ўққа тутилди, қурбонлар бор. Кейинчалик газандалар ҳарбий автомашинага ва қўшинларнинг постларига ҳужум қилишди. Ўтган кеча-кундузда 62 киши қўлга тушди, 60 тадан кўпроқ ўт очувчи ва совуқ қурол тортиб олинди.

Қочоқларни кўчириш давом этмоқда. Бир кеча-кундуз мобайнида ҳаво ҳамда темир йўл транспорти орқали республикадан арман миллатига мансуб 97 киши, ҳарбий хизматчилар оилаларининг 665 аъзоси олиб кетилди. 14 январдан бери Боку шаҳридан жами 16 мингдан кўпроқ арман кўчирилди.

Айрим фуқаролар номига юмалоқ хатлар келмоқда, телефон орқали дўқ-пўписалар қилишмоқда. Комендант шаҳарликларни сабрли бўлишга, осойишталикни сақлашга чақирди ва Боку гарнизони қўшинлари вазиятни назорат қилиб турибдилар, деб ишонтирди.

Озарбайжон Ички ишлар министрлигининг аниқланган маълумотларига қараганда 20 январдан 22 январгача Бокуда 93 киши, шу жумладан фуқаролардан 75 киши ҳалок бўлган, 639 киши, милиция ва ҳарбий хизматчилар вакилларидан 76 киши тан жароҳати олган.

Озарбайжон ССРнинг Москвадаги доимий ваколатхонаси минглаб ҳалок бўлганлар тўғрисида, «Қозоғистон» паромида гўёки бир ярим минг одамнинг мурдаси яшириб қўйилганлиги ҳақида тарқатаётган миш-мишлар қипқизил ёлғондир. Иғвогарлар Бокудан сохта телеграммалар йўллаб, турли республикалардан келган ҳарбий хизматчилар оммавий равишда ҳалок бўлганликлари, ҳарбий қисмларнинг Озарбайжон аҳоли пунктларига гўёки ҳужум қилишни режалаштираётганликлари ҳақида ёзмоқдалар. Бу гаплар ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди.

Боку қўрфазидаги ҳарбий кемалар ҳамда Каспий флотилияси штабининг ерости иншоотларини қамал қилиш давом этмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг кийимларини кийиб олган террорчилар ур-йиқитларда иштирок этган ҳоллар ҳам бўлмоқда.

«Озарбайжон халқ фронти» намояндалари маҳаллий телевидение орқали, митингларда сўзлаётган нутқларида давлат чегараси участкаларини назоратга олган заставалар ва кичик бўлинмалар теварагида эҳтиросларни авж олдирмоқдалар. Улар иғвогарона гапларни тарқатишмоқда, жазолаймиз, деб дўқ қилишмоқда.

Шунга қарамай, чегара қисмлари ва кичик бўлинмалар ўтган кеча-кундузда Совет-Эрон чегарасининг Озарбайжондаги катта қисмини назорат остига олишга эришдилар. Чегарадан ўтиш ҳоллари анча камайди. Чегара яқинидаги қишлоқларда яшовчи кўп кишилар чегарачилар, командирлар ҳамда сиёсий ходимлар билан ҳуқуқ-тартиботни тиклашда ҳамкорлик қилишмоқда. Чегарачилар орасида ўлганлар ва ярадор бўлганлар йўқ.

Тоғли Қорабоғ автоном областида маҳаллий аҳоли ёрдамида йўлларни очишга киришдилар.

22 январь куни Кавказорти темир йўлининг Садаҳло станцияси орқали Арманистонга 10 та юк состави, шу жумладан ёқилғи-мойлаш материаллари ортилган 122 та вагон йўл олди.

Республика аҳолиси экстремистларнинг қуролланган гуруҳлари ҳамда жиноятчиларнинг қилаётган ҳаттиҳаракатларидан жуда ташвишланмоқда ва ғазабланмоқда. Доимий қўрқувда яшаш ва жудоликлар одамларнинг жонига тегди. Улар рисоладагидек яшашни ва ишлашни ҳоҳлайдилар, ватандошларини тартиб сақлашга, ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва уларни ушлашга, тортиб олинган қуролярогларни топширишга чақиришмоқда. СССР Ички ишлар министрлигининг маълумотларига қараганда, ўтган кеча-кундузда Аштарак ички ишлар бўлимига илгари ўғирлаб кетилган тўппончаларни, Ереван шаҳрининг 26 Боку комиссари номли район ички ишлар бўлимига иккита тўп ва 40 та ов милтиғини қайтарганлар.

Айни вақтда республиканинг айрим ерларида қуролярог ҳамда ўқ-дориларни қўлга тушириш мақсадида қўриқланаётган иншоотларга ҳужум қилиш ҳоллари бўлди. Норасмий ташкилотларнинг раҳбарлари одамларни ана шундай жиноий ҳаракатларга ундаб, жангариларни назорат қилишдан маҳрум бўлишмоқда.

21 январь куни Озарбайжон чегарасида бўлган отишув чоғида ўлдирилган жангарини дафн этиш вақтида қуролланган террорчиларнинг бири ўсмирни бошидан ярадор қилди.

Киев ҳарбий округ ўқув танк полкининг кўп миллатли шахсий состави (бу ерда анчагина озарбайжонлар ва арманилар бор) Озарбайжон ва Арманистон халқларига мурожаат этиб, уларни жамоалараро тўқнашувларни тўхтатишга чақирди. Мурожаатнома матни кавказорти республикалари газеталарига юборилди.

(ТАСС).

АҚЛ-ИДРОК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒАЛАБА ҚИЛМОҒИ КЕРАК

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг правлениеси Озарбайжон ва Арманистон журналистларига мурожаатнома қабул қилди. Мурожаатномада, жумладан, бундай дейилади: Ўзбекистон журналистлари қардош республикаларнинг шаҳарлари ва қишлоқларида содир бўлаётган фожиали воқеалардан ниҳоятда қайғурмоқдалар. Миллатлараро низолар такрор-такрор аланга олаётгани, зўравонлик қилинаётгани, одам қони тўкилаётгани тўғрисидаги хабарлардан ларзага тушмоқдамиз.

Афсуски, биз бундай кулфатни гап-сўзлардангина билмаймиз, яқинда ўзимизнинг ҳам бошимизга худди шундай Фарғона фожиаси тушган эди. Биз халқни биродаркушлик урушига тортишаётганда, одамлар қалбига қаҳр-ғазаб ва нафрат уруғини сочишга уринган, уларни бебошликка ундашаётганда халқ қанчалик азоб чекишини жуда яхши биламиз.

Қадрли ҳамкасблар! Ўз ишингизда ақл-идрокка, ота-оналаримиз бизга берган энг яхши нарсаларга, халқларимизнинг кўп асрлик тажрибаси бизга инъом этаётган донолликка амал қилишга чақирамиз. Ақл-идрок ва инсонпарварлик ёвуз кучлар устидан ғалаба қозониб, қаҳр-ғазаб ва зўравонлик ўрнини мулоҳазакорлик ва масъулият эгаллашига ишончимиз комил. Ҳозир сизга осон бўлмаётганини тушуниб турибмиз, шундай бўлса-да, ўз эҳтиросингизни жиловлаб, содир бўлаётган воқеа ва жараёнларга холисона баҳо беришингизга, ярашиш ва муросага келиш йўлларини қидиришингизга умид қиламиз.

Озарбайжон ва Арманистон журналистлари партия ва ҳукумат кескинликнинг кучайишига йўл қўймаслик, вазиятни нормаллаштириш борасида кўраётган барча чора-тадбирларни тўғри қабул қилиб, қонунсизлик ва миллатлараро нифоққа барҳам бериш, қардош республикаларда тинчлик ва тартибни қарор топтириш учун бутун кучларини сарфлайдилар, деб умид қиламиз.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Чортоқ пахта тозалаш заводи ўтган йили 8300 тоннадан зиёд тола ишлаб чиқарди. Ана шу толанинг 3800 тоннаси Чехословакия, Польша, ГДР Венгрия, Япония, Бельгия, Франция каби мамлакатларга жўнатилади.

— Иқтисодий ислоҳот натижасида ўтган йилдан бошлаб хорижга юборган маҳсулотимиз учун валюта ҳисобида ҳақ тўланаяпти, — дейди завод директори А. Дадахонов.— Шу туфайли ташқи иқтисодий банкда корхонамиз ҳисоби очилди. Ҳозирча биз 1 миллион 600 минг сўмлик валюта ишладик.

Чет эл валютасига эга бўлиш пахта тозалаш заводи имкониятларини анча оширмоқда. 1989 йилнинг ўзида Японiядан кичик автобус, бир неча автокара сотиб олинди. Чортоқ шаҳри мактаб ўқувчилари учун компьютерлар, соғлиқни сақлаш ходимлари учун эса камёб чет эл асбоб-ускуналари харид қилинди.

С. МУСАБОЕВ.

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА...

• Нуқтаи назар

Сирдарё районида бу йил пахта йиғим-терими ҳар қачонгидан кўра қисқа — 25 кунгина давом этди. Мавсум мобайнида пахтазорларда жами 374 та «зангори кема» ишлатилди. Тайёрланган 50 минг тонна пахтанинг 37 минг 835 тоннаси техника ёрдамида терилди. Бу эса планда белгиланганидан 6 минг 78 тонна, 1988 йилдагидан эса 1066 тонна кўпдир.

Ўтган йили район бўйича пахта териш машиналаридан катта иқтисодий самара олинди. Агрегатларнинг асосий қисми мавсум олдидан пухта ремонт қилинганлиги, йиғим-терим даврида механизаторлар ўртасида меҳнат мусобақаси қизғин тус олдирилганлиги, машинада терилган ҳар тонна пахта учун 15—20 сўмдан ҳақ тўланганлиги муҳим аҳамият касб этди. «Зангори кема»ларнинг қарийб 50 фоизига спирал шпинделлар ўрнатилганлиги ҳам иш вақтидан ютишда ва бункерлар баракасини оширишда катта роль ўйнади.

Райондаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Малик» совхозидан Абдумўмин Қурбонов машинада пахта теришда барчага ўрнак бўлди. Иш вақтининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш, техникани эҳтиёткорлик билан бошқариш ва асраб-авайлаш туфайли у икки қаторли терим агрегати бункеридан пландаги 110 тонна ўрнига 293 тонна маҳсулот тўкди. Унинг Ленин номли колхоздаги ҳамкасби Юсуф Каримов—267 тонна, «Ўзбекистон» колхози механик-ҳайдовчиси Суюн Тожиев—225 тонна, «Коммунизм» колхози техника жиловкори Бахром Ҳайриддинов —178 тонна пахтани ўз агрегатлари бункерларидан бўшатишди.

Ҳозирги кунда райондаги ҳамма хўжаликларда пахтачилик, шу жумладан ҳосилни машинада териб олиш соҳасидаги ишлар сарҳисоб қилинмоқда. Айни пайтда йиллик иш якунларини қайта қуриш даври талаблари асосида танқидий таҳлил қилиш жуда муҳим.

Эришилган натижалар 1988 йилдагига нисбатан юқори эканлигига қарамасдан район бўйича 94 нафар механик-ҳайдовчи пахта териш планини уддалай олмади. Ҳаттоки «Сирдарё» совхозида 13 нафар, «Правда» колхозида 3 нафар механизаторнинг мавсум мобайнида терган пахтаси 20 тоннадан ҳам ошмади.

Бундай қолоқликка йўл қўймаслик учун аввало, пахта йиғим-теримини механизациялашда, механизаторлар меҳнатини ташкил этишда яхши кўрсаткичларга эришган хўжаликлар иш тажрибаси умумлаштирилиб, оммалаштирилиши зарур. Бу борада айниқса «Малик» совхозининг иш услубини тарғиб қилиш айни муддао. Мазкур хўжаликда ғўзалар ёз бўйи машинабоп қилиб ўстирилди. Пайкаллар катта, эгатлар ораси узун бўлди. Бегона ўт йиғим-теримгача бутунлай тозалаб олинди. Ғўза баргини тўкиш қулай муддатларда, ер усти аппаратлари билан сифатли бажарилди. Баргнинг 70—75 фоизи тўкилиши билан агрегатлар пахтазорларга олиб кирилди. Терим «дала — бункер—тележка — пункт» усулида олиб борилди. Далада техникага хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилди. Механизаторлар ўртасидаги мусобақа ошкора тус олдирилди. Ғолиблар белгиланган муддатларда моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Дала шийпонларида механизаторларнинг дам олишлари учун етарли шарт-шароитлар, иссиқ овқат ташкил этилди.

Эндиликда пахтачиликни тараққий эттиришнинг истиқболлари барча агротехник жараёнларни механизациялаштириш, йиғим-теримнинг асосий ташвишларини машиналар зиммасига юклаш, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини ҳашарчилар ва ёрдамчиларсиз териб олиш билан белгиланмоқда. Шу туфайли ҳам соҳани механизациялаш бўйича орттирилаётган тажрибалар доимо бойитиб борилиши керак. Техника ремонти пухта олиб борилиб, машиналар асраб-авайланиши лозим. Ана шундагина пахтачиликдек энг серчиқим ва машаққатли иш енгиллашади, иқтисодий самарадорлик янада ошади.

Қ. ҲОЖИЕВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» совхози чорвадорлари қишловга пухта ҳозирлик кўришганди. Шунинг учун ҳам давлатга чорвачилик маҳсулоти сотиш ўтган йил плани ортиғи билан бажарилди. Қабул пунктларига 146,1 тонна гўшт, 525 тонна сут етказиб берилди. Айни кунларда ҳам маҳсулдорлик пасаймаётир.

Суратларда: 1. Илғор сут соғувчи Рамазон Бозоров. 2. Сут соғувчилардан Дилором Тўрамуродова, Санобар Бойқулова ва Авазгул Мамадиевaнинг кайфияти яхши.

И. ХУЖАЕВ суратлари (ЎзТАГ).

БУЮК ИНЪОМ

Яна тил маданиятининг баъзи муаммолари

Ошкоралик ва демократиянинг кенг амалга оширилиши туфайли социал амалиёт ривожланмоқда, шахсий ва ижтимоий онгнинг ижодий фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Тафаккур фаоллиги эса, шубҳасиз, ҳаракатлар фаоллигини юзага келтиради. Жамиятимизнинг ҳозирги ривожи ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Ана шундай бир шароитда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида — ҳам иқтисодиёт, ҳам сиёсат, ҳам маънавиятда кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар маълум бўлди. Айниқса миллий муносабатлар масаласида бу яққол кўзга ташланади. Бинобарин, КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида партиямиз бу муаммолар ҳақида баралла гапирди. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми ва Ўзбекистон Марказкомининг ноябрь пленуми эса миллий масала бўйича махсус дастур қабул қилдилар. Ўзбекистон Компартиясининг янги йил арафасида эълон қилинган ҳаракат дастурида шундай сўзлар бор: «КПСС ҳаракат дастури асосида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришни, Ўзбекистоннинг, республикада яшаётган барча миллатлар ва элатлар тараққиётининг етилган муаммоларини ҳал этишни таъминлайдиган миллий сиёсатни амалга оширишни Компартия ўзининг энг муҳим сиёсий вазифаси деб ҳисоблайди»

Миллий муносабатларда бугунги кунда кескин бўлиб турган муаммолар — иқтисод, кадрлар сиёсати, адабий, илмий, маданий ва тарихий меросга муносабат, тил маданияти масалаларидир.

Республикамизда тил маданиятини ривожлантиришнинг икки жиҳати кенг муҳокама қилинди. Булар — ўзбек ёзувини ривожлантириш ва ўзбек тилига давлат мақоми берилиши билан боғлиқ.

Аввало, ўзбек ёзуви ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, Октябрга қадар ўзбек ёзуви араб графикасига асосланган эди. Ўттизинчи йилларда лотин, қирқинчи йилларда рус ёзувига ўтилди. Матбуотда, радио-телевидениеда, турли йиғилишларда айрим ўртоқлар, буларнинг ҳаммасини хато деб айтишяпти ва араб ёзувига қайтишни таклиф этишмоқда. Улар ўз таклифларини ўзбек халқининг адабий, илмий, маданий ва тарихий мероси араб ёзувида яратилганлиги билан далиллайдилар. Бизнингча, масаланинг моҳиятини аниқроқ ва батафсилроқ қараб чиқиш керак, зеро бу ерда гап фақат ёзувда эмас.

Гап шундаки, ўзбек халқининг тарихий мероси фақат араб ёзувида бўлмай, ҳам араб, ҳам форс тилларида, муайян бир қисми эса эски ўзбек тилида битилган. Шундай экан, уни ўрганиш учун араб ёзувини билишнинг ўзи кифоя эмас, балки, араб, форс ва эски ўзбек тилларини ҳам мукаммал билиш талаб этилади.

Бу биринчидан. Иккинчидан, мутахассисларнинг фикрига кўра, ўзбек ёзувини лотин графикасига ўтказиш ўзбек ёзувининг ўзига хос хусусиятларига, айниқса унинг фонетикасига тўла даражада жавоб бера олмайдиган араб ёзувининг мураккабликлари туфайли амалга оширилган. Ўзбек ёзувининг лотинчадан рус графикасига ўтказилишига келсак, бу ҳаётимизнинг социал-иқтисодий эҳтиёжлари тақозоси билан, республика илмий ва маданий жамоатчилигининг истакларига кўра амалга оширилган. Ҳар ҳолда мавжуд манбалар шундан далолат беради.

Биз ёзувдаги бу ўзгаришлар тўғри бўлганми ёки йўқми, бу ҳақда баҳслашмоқчи эмасмиз, балки бундай тадбирларнинг тарихан қай даражада тўғрилигини аниқлаш ниятидамиз. Шу боис масаланинг икки жиҳатига эътиборни қаратмоқчимиз. Биринчиси — ўша йиллари ўзбек халқи ҳаётига юқорида баён этилганидек, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт тақозоси — рус тили миллатлараро муомала тили тариқасида кенг кирди. Уни билиш, ўрганиш керак эди. Мактабда бир-бирига мутлақо ўхшамаган икки хил алфавитни ўрганиш ўқувчи болалар учун оғирроқ бўлиши ўз-ўзидан аёндир. Иккинчидан, алфавитни, ҳарфларни, нутқнинг график тасвирини қандайдир бир муддатда алмаштиришнинг ўзи қарийб барчани ёппасига саводсиз ва чаласавод қиларди. Ўзбек халқининг бошидан бундай воқеа икки бор кечди ҳам.

Учинчи марта шундай ҳолга тушиш лозиммикан? Бундан ташқари, араб ёзувига ўтилган тақдирда ҳам, бу катта моддий маблағлар талаб этган, бир қанча техник муаммоларни кўндаланг қўйган бўларди. Энг асосийси ва энг муҳими, ҳозир бундай таълимни олиб борадиган мутахассисларнинг ўзи йўқ. Шундай экан, бу масала хайрли ва пок ният билан кўтарилган тақдирда ҳам ёппасига араб ёзувига қайтиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса керак, деган умумий хулоса ўз-ўзидан маълумдир.

Халқимизнинг адабий, илмий, тарихий ва маданий меросини ўрганиш ва ундан фойдаланиш омили сифатида араб ёзувига қайтиш учун жонбозлик кўрсатаётган кишиларнинг ташвишларини тўғри тушунамиз ва бунга тўла қўшиламиз. Ҳақиқатан, ўрганиш, ўзлаштириш зарур бўлган ва қонуний равишда фахрланса арзийдиган бой, ранг-баранг, минг йиллик адабий, илмий, тарихий, маданий меросимиз бор. Уни чуқур ва мукаммал ўрганмаслик, жамиятимизни қайта қуришдек олижаноб ишда ундан ҳар томонлама фойдаланмаслик соғлом фикрли одамларнинг иши эмас.

Бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун, назаримизда, бир қатор мукаммал амалий тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этмоқ зарур.

Бинобарин, инглиз, француз, испан, немис тиллари сингари чет тили сифатида араб ва форс тилларини ўрганадиган махсус умумий таълим мактаблари тармоқларини кенгайтириш керак. Чунки бу тиллар бир хил ёзувга асосланади. Республикамизда бундай мактабларимиз иш тажрибаси бор.

ТошДУнинг Шарқ факультетида араб ва форс тиллари бўйича мутахассислар тайёрлаш учун қабул планини ошириш, шу университетнинг фалсафа-иқтисод факультетида университетлар ва педагогика институтларининг тарих ҳамда филология факультетларида араб ва форс тилларини ўрганиш бўйича ўқув планларига мажбурий курслар киритиш даркор. Самарқанд Давлат дорилфунунида шарқ факультетини, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти таркибида араб ва форс тиллари секторини тузиш керак.

«Ўқитувчи» нашриёти қошида араб ва форс тиллари ҳамда эски ўзбек тили бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, методик адабиётлар, ўқув планлари ва программалари тайёрлайдиган, шунингдек, ўзбекча-арабча, арабча-ўзбекча ва ўзбекча-форсча, форсча-ўзбекча луғатлар чиқарадиган араб ва форс редакциялари ташкил этмоқ зарур.

Халқ таълими министрлиги, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети ҳамда бошқа манфаатдор илмий ташкилотлар ва ижодий уюшмалар ҳамкорликда араб ва форс тиллари бўйича энг яхши дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва луғатлар учун конкурслар эълон қилишлари мақсадга мувофиқ бўлса керак. Республика Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети тегишли полиграфия базасини ташкил этиш масаласини ҳал этиши ва бу ишни таъминлаши лозим.

Ўйлаймизки, ана шу барча тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш араб ва форс тилларини ўрганиш учун аниқ ва реал асос яратади, имкониятларни оширади. Бу эса халқимизнинг ҳам адабий, ҳам илмий, ҳам маданий, ҳам тарихий меросини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Тил маданиятини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир масала бу айрим тилларга, чунончи, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишидир.

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонуни» қабул қилиниши ленинча миллий сиёсат ва халқ эҳтиёжининг ифодаси бўлди.

Айни вақтда қонунда рус тилининг республикамиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни ҳам белгилаб берилди. Мазкур Қонунда рус тили барча миллат ва элатлар, шунингдек, ўзбек халқи учун ҳам фақат алоқа воситасигина бўлиб қолмай, балки иқтисодиёт ва маданият, фан ва техника, бутун ижтимоий тараққиётни тезлаштирувчи қудратли кучдир. Ҳар бир ўзбек, айниқса ёшлар томонидан рус тилини чуқур пухта ўрганиш учун реал аниқ имкониятлар ҳамда шарт-шароитлар яратилади.

Бундан ташқари, Қонунга кўра республикамизда яшаётган бошқа миллат ва элатлар — қозоқ, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, қрим-татар, турк, немис, грек, яҳудий ва бошқа тиллар ривожи учун ҳам реал шароитлар яратиб берилади.

Бу кенг қўламли ишнинг бошланиши, албатта. Зеро, қонун қабул қилингани билан ўзбек тили ўз-ўзидан қонуний мавқеига эга бўла олмайди. Бунинг учун барча объектив шарт-шароитлар, аввало, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий муҳитни ҳамда тегишли моддий-техника базасини яратиш, молия муаммоларини ҳал қилиш зарур. Даставвал республиканинг барча шаҳарларида: а) ўзбек тили бўйича стенография ва машинкада ёзиш курсларининг кенг тармоғини очиш; б) ўзбек тилида етарли миқдорда ёзув машинкаларига эга бўлиш, балки махсус корхона қуриш; в) республикамизда яшаётган ҳамда давлат муассасаларида, маъмурий бошқарув органлари — суд, прокуратура, милиция, халқ контроли ва ҳоказоларда ишлаётган бошқа миллат ва элатлар вакилларининг ўзбек тилини ўрганиш бўйича курслари кенг тармоғини ташкил этиш ва шунга ўхшаган фавқулодда амалга оширилиши керак бўлган қатор муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қадам бақадам ҳаётга татбиқ этиш зарурдир.

Назаримизда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Идеология комиссияси қошида ташкил этилган тиллар бўйича ишчи группаси тил тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаб, ўз вазифасини бажариб бўлди. Эндиликда республикада Қонунни бажариш, тил маданиятини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни амалда татбиқ этиш учун, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, катта сиёсий, мафкуравий ва ташкилотчилик ишлари талаб этилади. Яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг махсус комиссияси ташкил этилди. Унинг вазифаси олти ой ичида Қонунни ҳаётга тадбиқ этиш учун таклифлар ишлаб чиқиб, ҳукуматга тақдим этишдир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошида ёки республика ҳукумати таркибида «Тил маданиятини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи доимий кенгаш» ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Кенгаш қошида орфография, топонимия бўйича, луғатларни ишлаб чиқарувчи ва шунга ўхшаш бошқа комиссиялар ёки ишчи гуруҳлари тузиш лозим. Кенгашнинг конкрет ҳуқуқ ва вазифалари махсус Низом билан расмийлаштирилиши зарур. Кенгаш таркибига партия, совет, касаба союз, комсомол органлари, ўқув юртлари, илмий, маданий муассасалар, ижодий ташкилотлар, министрлик ва идораларнинг малакали, билимдон ходимларини киритиш зарур.

Худди шундай кенгашлар Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, барча область, шаҳар ва районлар ижроия комитетлари қошида, шунингдек, республика министрликлари ва идоралари ҳузурида ҳамда уларнинг жойлардаги ташкилотларида жорий этилса, хайрли ишни мустаҳкамлашга, кучайтиришга мунносиб ҳисса қўшилган бўлур эди.

Тил маданиятининг яна бир муаммоси ҳақида айрим мулоҳазаларимизни ҳам ўртоқлашмоқчимиз. Гап шундаки, нафақат оддий ишчи ёки деҳқон, балки, зиёлиларимиз оғзаки нутқда соф она тилида бемалол ва эркин гаплаша олмайдилар. Бу ҳол афсусланарлидир. Ва, яна бир муаммо, у ҳам бўлса тил бойлигининг манбалари хусусида.

Маълумки, тил тараққиётининг иккита манбаи мавжуд. Биринчиси, бу ички манба, асосий ҳисобланади. Иккинчиси, ташқи манба, бошқа тилларнинг ҳисобига бойиш ва ривожланишдир. Масаланинг ажабланарли жойи шундаки, ўзбек тилининг кейинги йиллардаги тараққиёти юқорида таъкидланган иккинчи манбага суянилди. Ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланиш иккинчи ўринга тушиб қолди. Бу ҳодиса эса, тил тараққиётининг қонунияти маълум даражада бузилишига сабабчи бўлди. Гап шундаки, биз юқорида баён қилганимиздек, тилни халқ яратади. Айниқса, унинг таркибий қисми бўлган зиёлиларнинг улуши улкандир. Демак, масалага шу нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, йўл қўйилган камчиликларга биз, олимлар ҳам айбдормиз. Яъни хато биз, зиёлилар, айниқса, ёзувчилар ва олимлар тафаккурининг лоқайдлиги ва эринчоқлиги туфайли содир бўлган.

Шу муносабат билан ўзбек тили хазинасига бошқа тиллардан, айниқса, рус тилидан анча-мунча сўзлар киритилди. Яъни «республика», «область», «район», «совет», «союз», «энциклопедия», «интернационал» ва ҳоказо, ҳоказолар... Ҳозирги кунда айрим матбуот органлари ҳамда радио ва телевидениенинг баъзи ходимлари мазкур сўзларни ўзбек тилидан сиқиб чиқариб, жумҳурият, вилоят, ноҳия, кенгаш, уюшма, қомус, байналмилал каби сўзлар билан алмаштириб бермоқдалар.

Бизнингча, шу вақтга қадар бошқа тиллардан кирган ва халқимизнинг тафаккурига сингиб кетган сўз ва ибораларни сунъий равишда ўзбек тили бойлигидан сиқиб чиқаришга интилиш халқимизни маълум даражада чалғитишга олиб келмоқда. Шунинг учун, фикримизча, бўлган иш бўлди, шу вақтгача кирган сўзларни тилимиздан чиқармасдан, синоним тарзида фойдаланишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Бундан буёғига эҳтиёт бўлиб, юқорида қайд этилган тил ривожланиши қонуниятининг ички имкониятларидан, яъни асосий манбадан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқ зарур.

Бизнингча, республикамизда тил маданиятига доир ҳал қилинмаган муаммоларни табақалаштириб, жорий амалий масалаларни эртага қолдирмай, қадам-бақадам турмушга татбиқ этиш лозим.

Жамиятимиз ривожининг жуда масъулиятли ва мураккаб босқичида турибмиз. Бу босқич Ватанимизнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг бундан буёнги тақдирини белгилаб беради. Шундай бир даврда бутун мафкуравий, сиёсий, маънавий, руҳий кучларни бирлаштириш ҳар қачонгидан кўра ҳам зарурдир.

Ҳа, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг ўз-ўзини англаши кучайиб бормоқда. Бу ўзбек халқига ҳам дахлдор. Лекин шуни ҳам ёдда тутиш керакки, миллий ўз-ўзини англаш таъсирчан ва қудратли куч бўлиб у носоғлом унсурлардан ҳоли бўлган тақдирдагина тараққиётга элтади. Ҳамма миллат ва элат вакиллари ошкоралик, демократия ва фикрлар хилма-хиллиги шароитида қайта қуришга ва жамиятимиз барча жабҳаларининг янгиланишига хизмат қиладиган ТИЛНИ аниқлаб олишлари ҳам фавқулодда муҳимдир. Ана шундай **тил ақл-идрок тилидир.**

Бас, шундай экан, ҳамма миллат ва элат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб, ошкоралик кенгаяётган, демократия ва фикрлар хилма-хиллиги авж олаётган пайтда фақат бир тилда ақл-идрок тилида сўзлашайлик, совет жамиятини инқилобий қайта қуриш ва янгилашдек муқаддас ишга ўзимизнинг салмоқли ҳиссамизни қўшайлик.

Санд ШЕРМУҲАМЕДОВ,
фалсафа фанлари доктори.

РЕДАКЦИЯДАН: Ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисидаги Қонунни амалга оширишда, уни ҳаётга пухта тадбиқ этишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссияси ҳузуридаги Тил масалалари билан шуғулланувчи ишчи группаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Атамалар комитети изчил фаолият кўрсатмоқда. Ўйлаймизки, таниқли олимнинг фикр-мулоҳазаларини, таклифларини ишчи группаси ва комитет ходимлари инобатга оладилар.

Халқ байрамлари ва расм-русумларини тиклайлик

(Давоми. Боши биринчи бетда).

хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг дастлабки томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган, деб ҳисобланади. Биз «Наврўз»ни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида унинг даврлар, асрлар оша бизга қадар етиб келган халқчил анъаналарини тиклашимиз, уни замонамиз, халқимиз манфаатлари, ҳаёти, мақсад-умидлари билан боғлиқ ҳолда ривожлантиришимиз лозим. «Наврўз» байрамини ташкил этиш ва жойларда ўтказиш, тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида идеология комиссияси республика ташкилий комитети тузилишини маъқул топди. Халқимиз ҳурмат-эътиборини қозонган партия, совет ходимлари, ижодкорлар, жамоатчилик вакилларидан ташкил топган бу ҳайъат зиммасига 1990 йилда ўтказиладиган ушбу байрамни авалги 1989 йилга нисбатан мазмунли, қизиқарли қилиб, республикамиз меҳнат аҳли талабларига жавоб берадиган, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат этадиган қилиб ўтказиш вазифаси юклатилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология комиссиясининг аъзолари ташкилот комитети йиғилишида бир қатор асосли, халқимиз талаблари заминида вужудга келган мулоҳазаларни айтдилар.

«Наврўз» байрамининг асосий тадбирлари республикамизнинг барча область шаҳар, қишлоқларида 21 март куни ўтказилади. Байрам одатдагидек кишиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари билан учрашишлари, бир-бирларини байрам билан табриклашлари, танишбилиш, қариндош-уруғлар, бирга ишлашган ва ишлашадиган қарияларни, беморларни бориб кўриш, ҳол-аҳвол сўраш, қабрларни зиёрат қилиш каби умуминсоний мулоқотдан бошланади.

Қадимий ва навқирон «Наврўз» жумҳуриятимизнинг турли ерларида турли шаклларда ўтган. Лекин байрам давомида полвонлар, аскиячилар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, дорбозлар чиқиши, созанда, навозандаларнинг ўз санъатларини намойиш этишлари, халқ сайли, ўйинлари, базмлар деярли ҳамма жойда албатта ўтказилган. Кўпкари (улоқ) чопиш, пойга каби томошалар авжга чиққан. Шу куни савдо-сотиқ кенг ташкил этилиб, хилма-хил анвойи таомлар тайёрланган. Кундалик палов, шўрва, кабоб кабилар билан бирга дўлма, ялпиз, кўк пиёз каби кўкатлардан тансиқ таомлар тайёрланган. Сумалак эса «Наврўз»нинг «шоҳона таоми»дир. У кўпчилик бўлиб пиширилган ва уни ҳамма маза қилиб истеъмол қилган. Сумалакни аёллар тайёрлаганлар. Уни пишириш давомида аёллар суҳбат қуриб, эртак, афсоналар сўзлашган, қўшиқлар айтиб рақсга тушишган. Сумалакхўрлик ёки сумалак сайли вақтида эса барча йиғилганлар қўшиқ айтиб, рақсга тушадилар, ўзаро ҳазил-мутоиба, шеърхонлик қиладилар. Бу албатта кишиларда ҳамжиҳатлик, бирдамлик туйғуларини кучайтиради.

Ҳозирги «Хотира куни»да қилинадиган барча ишлар ўтмишда «Наврўз» байрами давомида, унинг узвий бир қисми сифатида амалга оширилган.

Айниқса шаҳарларда «Наврўз» жуда катта тайёргарлик билан ўтказилмоғи лозим. Ҳар бир даҳада карнай-сурнай, ноғора садолари остида кишиларни йиғиш, байрам гулдасталари, шу ер кишиларига хос миллий кийиниш, миллий халқ рақс ва қўшиқлари, амалий санъат намуналари, бошқа халқ бойликларини намойиш этиш зарур. «Наврўз» байрами кунларида томоша масканларида, боғ ва майдонларда қизиқчилар, масхарабозлар, фольклор-этнографик ансамбллар, полвонлар, дорбозлар, ёш хонандаларнинг чиқишларини тайёрлаш, миллий-амалий санъат намуналари кўрик-мусобақаларини ўтказиш лозим.

«Наврўз» байрамига қардош республикалар вакилларини таклиф этиш ва қардош республикаларга ўз вакилларимизни юборишимиз лозим. Бундай ҳамкорлик жуда юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. «Наврўз» байрами янада қизиқарли, жозибали, мазмундор бўлиши учун оммавий ахборот воситаларини ишга солмоқ даркор.

«Наврўз» — халқимизнинг яратувчилик меҳнати билан боғлиқ, унинг орзу-истаклари қуйлаган, унинг турмуш тарзи, маънавияти, миллий руҳини халқ ижоди усули ва услублари ёрдамида тараннум этган, халқимизнинг бой миллий санъатини ўзида сақлаган байрамдир. «Наврўз» кунларида халқимизнинг оғзаки ижодидаги турли-туман жанрлар ажойиб шаклларда, бутун келбати билан намоён бўлишини кўрамиз. Шулар билан бирга «Наврўз»нинг ҳозирги шароитдаги жуда катта маънавий-тарбиявий қимматини бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз даркор. У кишиларни, айниқса ёшларни одамийликка, дўстликка, ўзгаларга ҳамдард бўлишга, меҳрибонликка, меҳр-оқибатли бўлишга ундайди.

Аминимизки, бу йилги «Наврўз» байрамини жумҳуриятимиз кишилари янада кўтаринки руҳда, удумнинг ўзига хос янги-янги қирраларини намойиш этиб, ажойиб ташкилотчилик билан ниҳоясига лайдилар. 1990 йил «Наврўз»ига кенг йўл, улкан зафарлар ёр бўлсин!

Дунё овози

ИНДОНЕЗИЯГА ТАШРИФ ТУГАДИ

ЖАКАРТА, 24 январь. (ТАСС). СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимовнинг Индонезияга ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф давомида президент Сухарто, иқтисодиёт, молия, саноат ва миллий тараққиётни назорат этиш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи министр Р. Правиро, ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан музокаралар бўлиб ўтди. Хусусан икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш шу жумладан Индонезия давлати бошлиғининг СССРга ташрифи чоғида ҳамда ўтган йилнинг кузида Москвада олий даражадаги Совет — Индонезия учрашуви чоғида эришилган аҳдлашувлар асосида Ўзбекистон ССР билан бевосита амалий алоқаларни йўлга қўйиш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонлик меҳмон Шимолий Суматра вилоятининг маъмурий маркази Медан шаҳрига борди, шу шаҳарнинг атрофида жойлашган бир қанча йирик плантация хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналарида бўлиб, Совет Иттифоқига экспорт қилинаётган тайёр маҳсулот намуналари билан танишди.

Шимолий Суматра савдо-саноат доиралари вакиллари билан учрашув ҳам бўлиб ўтди. Иккала томон ўзаро товар етказиб бериш ҳажмини кўпайтиришдан, шунингдек қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган қўшма корхоналар барпо этишдан манфаатдор эканлигини айтди.

БЕРЛИНДА НАМОЙИШ

БЕРЛИН. Ҳафта бошида ГДРда бир қанча намойишлар бўлди. Бу намойишлар Германия бирлигига даъватдан тортиб то саноат корхоналарида махсус ишлаб чиқариш кенгашларини тузишни талаб қилишгача бўлган шиорлар остида ўтди.

Юз мингдан кўпроқ киши қатнашган энг катта намойиш Лейпцигда бўлди. Бу йиғин «янги анжуман» даъвати билан чақирилди. ГДРнинг Германия Социал-демократик партияси, Христиан демократлар иттифоқи, «Демократик ёриб ўтиш» ташкилотлари ўз шиорлари билан чиқдилар. Митингларнинг қиёфасини Германия Социалистик бирлашган партияси-демократик социализм партиясини тарқатиб юбориш ва уни ҳозирги мавқеидан маҳрум этиш талаблари ёзилган транспарантлар белгилаб берди.

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

✦ «АРАЛВОДСТРОЙ» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари энди ўз поликлиникаларига эга бўлдилар. У ҳозир ишлаб турган медицина-санитария қисми билан ёнма-ён қурилган бўлиб, ҳар куни 150 беморни қабул қилишга мўлжалланган. «Аралводстрой» поликлиникани жиҳозлашга 212 минг сўмдан кўпроқ пул сарфлади.

✦ БУХОРОДАГИ 80-дорихонада «Райҳон» фитобар очилди. Энди шаҳарликлар бу ерда химиявий дорилар ўрнига гиёҳлардан тайёрланган шифобахш дамламаларни ичишлари мумкин. Фитобарда кўпгина касалликлардан фориғ бўлишда ёрдам берувчи 15 хил дамлама тайёрланмоқда.

✦ САМАРҚАНД давлат университети янги касб мутахассислари — астрофизикларни тайёрлай бошлади. Бу ердаги физика факультетида космос физикаси ва астрофизика кафедралари, шунингдек барча зарур ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар очилди.

(ЎзТАГ).



ШУҲРАТ,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

МЕН НУРДАН ЯРАЛДИМ

* * *

Мен нурдан яралдим — йўлинг ёритган,
Мен гулдан яралдим — атир таратган.
Мен ердан яралдим — она тупроқдан,
Тупроғим олинган чаманзор боғдан.
Мен сувдан яралдим — боғларга оққан,
Гул бўлиб яшариб, ҳаммага ёққан.
Мен ўтдан яралдим — бағринг иситган,
Нур бўлиб қуёшдан ергача етган.
Булутдан нам олдим,
Чақмоқдан — шиддат,
Шамолдан — сайёҳлик,
Тақдирдан — муддат!
Муддатим тугагач яна нур бўлиб,
Яна сув, яна ер, яна гул бўлиб,
Тупроққа айланиб,
Шамолдек тиниб,
Оловдек кул босиб, чақмоқдек сўниб,
Сочилиб кетаман қўҳна фалакка,
Фақат номимгина қолади якка.
Фақат шу номгина қолар ўзимга,
Ва бошлаб боради ўтган изимга!

Курашларда ён!

Дунёни кўраман уйда ўтириб,
Деразам ланг очиқ олам юзига.
Бу дунё шунчалик кетганки қариб,
Ажинлар тўридан боқдим кўзига.

Кўзида ўқийман ишонч ва ташвиш,
Кўзида кўраман вулқон шиддатин.
Ҳасрати, ташвиши ҳаддидан ошмиш,
Ўзи ҳам билмайди енгиш муддатин

Бари бир ишончи ёнади порлоқ,
Ишончи ғалаба қилиши аниқ.
Ҳой, инсон, сен унинг юрагига боқ,
Юраги йигитнинг руҳидек ёниқ.

Сен унинг юзимас, қалбига ишон,
Юраги ҳурмати, курашларда ён!

Деразам кўзи

Оҳ, қандай чиройли деразам кўзи,
У ердан ёғади хонамга ёғду.
У ердан кўринар қўшнимнинг қизи,
Гул териб юрганда чаманзор боғда.

Оҳ, қандай равшандир деразам кўзи,
Ёримнинг йўлини пойлайман ундан.
Гоҳ нозли мўралаб ёримнинг ўзи,
Нимадир сўрамоқ бўлади мендан.

Оҳ, қандай кенг олам деразам кўзи,
Юлдузлар термулиб боқади тунда
Тонг билан йўл олган қуёшнинг ўзи
Ёритиб туради шом қуйилгунча.

Дўстларим келганда уни чертади,
Лаббай, деб эшигим очаман дарров.
Шу ёруғ хонада суҳбат кетади,
Суҳбатки, гуриллаб ёзган бир олов.

Деразам кўзлари кунгай томонда
Шамол ҳам шу ёқдан эсади енгил.
Булбуллар сайраса эртан чаманда
Не қадар ёзилиб кетади кўнгил!

Нур балқиб туради кенг деразамдан,
Шеърларим битаман қош қорайгунча.
Қувониб кетаман ўзим-ўзимдан
Деразам кўзида ёришса кеча.

Деразам оламга очилган кўзим,
Кўзимда оламнинг нашъу навоси.
Шу ердан таралар эл-юртга сўзим,
Шу ердан киради юртим ҳавоси.

Хонамнинг ёруғи шу деразамдан,
Деразам олдини тўсманг, кишилар.
Бебаҳра қилмангиз нурли оламдан,
Юрагим ҳамиша нурни олқишлар.

Нур билан бу олам тирик ва равшан,
Нур билан хонамнинг қадри-қиммати,
Нур билан барқ урса мен севган гулшан,
Шу менга Тақдирнинг буюк ҳиммати!

Эллигинчи йиллар

Ҳақиқат муқаддас бўлмаган даврон,
Ҳақиқат нур билан тўлмаган даврон,
Ҳақиқат товланиб тилда доимо,
Амалда бир он ҳам кулмаган даврон...

Оч юриб, тўқликни куйлаган даврон
Мустақил фикрни ўйлаган даврон,
Оламни ёлғонга тўлдириб нуқул,
Ёлғонга ҳеч қачон тўймаган даврон.

Фикрида хижолат айни авжида,
Найрангу, ҳушомад айни авжида.
Ҳаромдан ҳеч кимса қилмайди ҳазар,
Ўғирлик даромад айни авжида.

Ҳақиқат муқаддас бўлмаган даврон,
Ҳақиқат нур билан тўлмаган даврон.
Ҳақиқат товланиб тилда доимо,
Амалда бир он ҳам кулмаган даврон...

Яхшилик

Ўз умрингда битта юлдуз ёқ,
Бир юлдузки, нурли ва порлоқ,
Ҳеч бўлмаса битта чироқ ёқ,
Қоронғилик силжисин йироқ.
Ўз умрингда битта ариқ оч,
Шояд топса бир ниҳол ривож.
Ҳеч бўлмаса, эй, бахти сулув
Гулларга қуй бирон коса сув.
Ўз умрингда битта кўчат эк,
Яшнаб турсин кулган бахтингдек,
Ўз умрингда оч битта қалам,
«Тинчлик» сўзин ёзсин бу олам!..
...Гар яхшилик келмас қўлингдан,
Яхши ният қилгил дилингдан!

Олам ташвиши

Бунча сени эзмаса ортиқ
Бу оламнинг ташвиши, ғами!
Гўё сендан бошқа ғамхўр йўқ,
Гўё сенсан масъул одами!

Миллионлардан бирисан, ахир,
Бир ўзингга шунча ташвишми!
Ўзингга ҳам бундоқ шафқат қил,
Фарқ қилмайсан ёз билан қишни.

Гўё сенсан дунёга посбон,
Гўё дунё сенинг изингда.
Бунча савил кўксингдаги жон,
Доим ташвиш ёнар кўзингда!

— Шу дунёда борманки, демак,
Дахлим бордир ҳар бир ишига,
Нега керак, бўлмаса, юрак
Тирик жонман деган кишига!

Беозор даво

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг Тошкентдаги клиникаси мутахассислари мураккаб суяк синиқларини даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиб, амалда синаб кўришди. Медицина фанлари доктори И. Акрамов бу ишга раҳбарлик қилди. Биринчи даража мутахассис сифатида у 8 та муаллифлик гувоҳномасига эга.

Суратларда: (юқорида) — операция пайти; фан доктори И. Акрамов.

О. ЖУРАВЛЕВА суратлари (ЎзТАГ).

КУЧ ВА ЁШЛИК

Ўзбекистонда оммавий мудофаа ишлари ойлиги бошланди.

Совет Армиясининг 72 йиллиги ва Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг 45 йиллиги шарафига Тошкентда ҳарбий — спорт байрами бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида ана шундай байрамлар ўтди. Улар армияга чақириш ёшига етмаган йигитларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги катта ва хилма-хил ишларни ривожлантириш учун туртки бўлди. Бир ой мобайнида корхоналар, ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда қуролли кучларнинг ветеранлари байналмилалчи жангчилар билан учрашувлар ўтказадилар, йигитлар эса ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларга бориб, Ватан ҳимоячиларининг турмуши, яшаш шароити ва жанговар таълими билан танишадилар. (ЎзТАГ).

СПОРТ

СУВ ТЎПИ:

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

● **Тошкентда СССР кубоги учун ўтказилган саралаш баҳслари якунланди. Олти команда ўртасида Москва ва Олмаота динамочилари пешқадамлик қилишди**

Бу икки команданинг ўзаро учрашувида олмаоталик сув тўпи усталари 9:8 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тошкентнинг «Меҳнат» коллективи Ереваннинг ЖОСММ командасини 15:5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мавқеини бироз яхшилади.

БАСКЕТБОЛ:

ЯНА БИР ҒАЛАБА

● **Республика пойтахтининг теннис саройида биринчи лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур учрашувлари давом этмоқда.**

Тошкентнинг «Ўзстроймеханизация» командаси йигитлари Фрунзе динамочиларини қабул қилиб, 112:82 ҳисобида ғалаба қозонишди. Олий лигани кўзлаётган баскетболчиларимиз ҳозирча бешинчи ўринни эгалаб туришибди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЮТУҚНИ ТАКРОРЛАБ

● **ГФР да ўтказилган халқаро турнирда совет спортчилари муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қилишди.**

Донецклик олимпиада чемпиони Сергей Бубка лангар билан сакрашда 580 сантиметрли маррани эгаллаб, яқинда Тошкентда ўтказилган мусобақада ҳамюртимиз Радион Гатаулин эришган натижани такрорлади, Сергейнинг укаси В. Бубка 560 сантиметрли натижа кўрсатди

ФУТБОЛ:

УЧРАШУВЛАР БОШЛАНДИ

● **Республикамиз футбол командалари мавсумолди учрашувларини бошладилар.**

«Пахтакор» командаси футболчилари дастлабки ўртоқлик учрашувини сафарда «Помир» командаси билан ўтказишди. Ўйин майдон эгалари фойдасига (2:1) ҳал бўлди. Тўпларни помирчилардан Муҳаммадиев, пахтакорчилардан Шквирин дарвозага йўллашди. Киев динамочилари эса Косонсойда меҳмон бўлдилар. «Косойсойчи» футболчилари диннамочилардан (1:0) устун келишди.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Янгиликдан хабарингиз борми?

ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ УЧУН

«Новости» матбуот агентлиги «Энергия» — ёшлар илмий техника ижодкорлиги маркази иштирокида хўжалик раҳбарларига мўлжалланган умумиттифоқ ҳафталик газетасини чоп этади. Мамлакатда ягона бўлган мазкур нашр — «Деловие новости» давлат корхоналарининг умумиттифоқ коммерция ахборотини махсус тўплайди, қайта ишлайди ва тарқатади.

Газета орқали мамлакатдаги иқтисодий фаолият шароитлари, хориждаги савдо-сотиқ ҳаётининг хусусиятлари, СССР миқёсида ишчи кучлари ва мутахассислар хусусидаги аҳвол, моллар олди-сотдиси, хизматлар кўрсатиш, технологик ишланмалар ва ғоялар тўғрисида комплекс ахборот олиш мумкин.

«Деловие новости» қисқа амалий ахборотга муҳтож бўлган хўжалик раҳбари учун жуда асқотади. Агар сиз мамлакатда улгуржи бозор қарор топиши ва ривожланишидан манфаатдор бўлсангиз, шу бозор учун ишласангиз ва коммерция ахборотидан ишда самарали фойдаланиш ниятида бўлсангиз, унда «Деловие новости» газетаси сизга ёрдам беришга тайёрдир. Газета коммерция ахбороти банкидир.

Ҳафталик коммерция ахборотини тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш учун умумиттифоқ структурасига эга. «Новости» матбуот агентлигининг мамлакат бўйича регионларидаги 35 мухбирлик пункти ва бўлими, ёшлар илмий-техника ижодкорлиги ташкилотининг 642 маркази, СССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети, СССР Савдо-саноат палатаси, Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ва республикалар кўргазмалар комплекслари ахборот хизматлари билан ўзаро манфаатли алоқалар газета хизматида бўлади.

Хуллас, «Деловие новости» нашрига обуна бўлсангиз, ишда яхши кўмакчига эга бўласиз. Унда амалий ахборотларни бериш мумкин. Эълонларни жойлаштириш учун эса ҳафталик газета редакциясига ахборот матни, расмлар, схемалар, товар белгилари (буюртмачи истагига кўра) билан кафолатли хат йўллаш кифоя. Зарурат туғилганда редакция қўшимча ҳақ эвазига эълонларга бадиий безак беришни ўз зиммасига олади.

«Деловие новости» ҳафталигининг адреси: 117630, Москва Старокалужское шоссе, 1. Телефон: 333-35-32.

Мазкур адрес бўйича 1990 йилнинг II кварталидан бошлаб «Деловие новости»га обуна бўлиш ҳам мумкин. Обуна нархи бир ойга — 1 сўм 25 тийин, бир квартал учун — 3 сўм 75 тийин, йил охиригача эса 11 сўм 25 тийиндан иборат.

Обунани расмийлаштириш учун купонни тўлдириб редакция адресига юбориш керак.

(предприятие, учреждение, организация)

просит принять подписку на _____ экземпляров еженедельника "ДЕЛОВЫЕ НОВОСТИ" на 1990 год.

Подписная плата переведена на бюджетный счет Управления делами АПН № 55114671 "ДН" в ОПЕРУ при Правлении Жилсоцбанка СССР, участник 2С, МФО 299093. Денежное поручение № _____, от " " _____ 19 г. на сумму _____ руб.

Адрес (с почт.индексом) и телефон подписчика _____

Дата _____ Подпись руководителя _____

М.П.

ДЕЛОВЫЕ НОВОСТИ ДЕЛОВЫЕ НОВОСТИ ДЕЛОВЫЕ НОВОСТИ

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги ЎЗБЕКИСТОН ИНВАЛИДЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ТИКЛАШ ВА ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ бўлимлар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

врачлик-меҳнат экспертизаси ва инвалидлар меҳнати бўлими **мудири** (медицина фанлари номзоди) **ва кичик илмий ходимлари** (2 ўрин);

хирургик, ортопедия-жароҳат касалликлари ва кўриш органлари касалликларида инвалидлик профилактикаси, врачлик меҳнат экспертизаси ва инвалидларни реаблитация қилиш, бўлими **кичик илмий ходимлари** (2);

тадқиқотнинг функционал усуллари ва инвалидларни ишга жойлаштириш бўлими **кичик илмий ходими.**

Инвалидлик эпидемиологияси ва ахборот-патент ишлари бўлими **мудири** (медицина фанлари номзоди) **ва кичик илмий ходим.**

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент «Механическая» кўчаси, 5 «а»-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/I да **Тоҳир ва Зуҳра** (19.00), 26/I да **Тўмарис** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/I да **Куёв** (19.00), 26/I да **Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари** (19.00).

●

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ **ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг «КОНСТРУКТОР» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича инженер-конструкторлар, гўшт саноати инженер-технологлари, иситиш, вентиляция, иссиқлик таъминоти, водопровод ва канализация бўйича етакчи инженер-лойиҳачилар, иқтисодчи.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкенл шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй ёки Киров район Аҳолини ишга жойлаштириш бўлими — Энгельс кўчаси, 48-уй.

«Ўқитувчи» нашриётининг партия ва касаба союз комитетлари нашриёт ходими Н. Умурзоқовага отаси

Самиг УМУРЗОҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда тарих факультети коллективи СССР тарихи кафедрасининг доценти Э. Ҳолиқова онаси

Ёркиной САФАР қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети музикали кўрсатувлар бош редакциясининг катта муҳаррири Б. Муҳаммадиевга отаси

Муҳаммадназар ОТАМУРОДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг ҳисоблаш марказ- экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институти коллективи катта бухгалтер З. М. Жалоловага онаси

Зайнаб МИРОМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ҲАЛҚУМ

ФЕЛЬЕТОН

Сут маҳсулотлари комбинатида қўшиб ёзишлар, ўғирликлар фош бўлиб қолгач, филология факультетини битириб бу ерда директор ўринбосари бўлиб ишлаётган Шавкат Бекмуродов сувдан қуруқ чиқиб кетди. У бир «юмалаб» олди-да, ҳеч нарсани кўрмаган, билмагандай яна «ёғлиқ» жойда ишлай бошлади. «Ёғлилик даражаси» сут маҳсулотлари комбинатида баланд эди. Шу боис у бошқа жойда таскин топмади.

Ўтирган бўйра, юрган дарё дейишади. Шавкат Бекмуродов номи жисмига монанд «Комфорт» деган магазин очиб олди. Унга Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги ва унинг ишчи таъминоти бошқармасидаги айрим ўртоқлар жон қойитиб ёрдам бердилар.

Самарқанд шаҳрининг бир бурчагида, кўзга ташланмайдиган жойдаги бу магазин кўплаб олғирларнинг «емхона»сига айланди. Шавкат Бекмуродович эса катта директорга хос катта «обрў» соҳиби бўлдилар. Чунки ўзларига алоҳида, ўринбосарларига алоҳида, секретарларига алоҳида хона. Бош экономист, бош бухгалтер, кадрлар бўлими бошлиғи, товаршунос ҳам мавқе масаласида, иш шароити хусусида директордан паст эмасдилар. Чунки улар бир майизни қирқ бўлиб ейишга қасамёд қилган кишилардек тотув яшар эдилар-да!

Энди битта кичкинагина магазинда шунча раҳбар ишлашини айбга буюрмайсиз. Нега дейсизми? Ахир, саккиз нафар сотувчи ва етти ишчини бошқаришнинг ўзи бўладими? Тағин ошкоралик, демократия замонида. 1987 йилнинг 10 октябрида иш бошлаган бу магазин раҳбарлари дарров янгиликларни илғаб олишди-да!

Директор биринчи галда кооперативлар билан дўстона «борди-келди»ни йўлга қўйди. Қараса, уларда ёғлилик даражаси анча юқори. Нима бўлса ҳам сут комбинатида ишлаган-да! Ёғлилик даражасининг аҳамиятига етади. Дарров кооператив очишга киришди. Бегона бегона-да, икки оёқ бир этикка суқилганда тор келганини айтиб қўйиши мумкин. Шу боис «Гранит» кооперативига укасини раисликка тавсия этди-да, ўзи ҳам аъзо бўлиб кирди. Албатта, бошқа «майизхўрлар» ҳам четда қолишмади. Магазинга келган ноёб моллар кооперативнинг халқумига тушиб кетаверди.

Албатта, бошқа кооперативлар билан ҳам «дўстона» алоқалар узилмади. Бир куни «Меъмор» кооперативининг вакили унинг ҳузурига келди.

— Ака, линолеум керак, жон ака, мана шундай керак, — у қўли билан бўйнини «кесди».

— Агар бериб юборсак, бизни ҳам худди ўшандай кесишади, ука, — деди директор. — Мана, қўлимда Самарқанд область ижроия комитетининг таъқиқ фармойиши бор. Министрлар Советининг ҳам...

— Акажон, у қоғозлар ғаладоннинг кўрки учун чиқарилган. Ҳозир сиз қандай фармойиш қилсангиз шу ҳисоб. Хизматингизга қуллуқ қилиб, амри директор вожиб деб турамиз.

— Лекин бирданига эмас.

— Бўлаклаб...

Улар мийиғларида кулиб олишгач, кетма-кет ҳисоб қоғозлари тўлдирилди. 7686 квадрат метр ёки 29 минг 437 сўм 30 тийинлик линолеум «Меъмор»нинг ҳалқумига «равона» бўлди. Орада турганларнинг ҳалқуми эса қуруқ қолди дейишга асосимиз йўқ. Далил керак. Ҳа, ҳа, далил!

Бу, албатта, катта «ишком»дан узилган шингил, холос. «Комфорт» директори яккама-якка алоқаларни ҳам мустаҳкам қилиб қўйди. Ахир, ҳаммага ер, томоқ бериляпти. Қурилиш авжида. Нима қилиш керак? Одатда пишган ғишт рўйхат билан тарқатилади. Навбатда турганлар эса соҳ мингта. Аммо Шавкат Бекмуродович навбатда турмаган А. Розиқов, З. Неъматов, О. Муҳиддиновларга «ҳеч нарса олмасдан», «таниш билишчилик қилмасдан» 2—4 мингтадан ғиштни шахсан бериб юбордилар. Шабанов, Шодиев... деган кишиларга эса тўрт мартадан навбат келди. Айрим, ёз бўйи кутиб бирор марта ҳам ғишт ололмаганлар бўлса ўзларидан кўрсинлар.

Самарқанд шаҳар халқ назорати комитети бу сингари қаллобликларни очиб ташлаб, Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигини ўз магазинидаги воқеалардан воқиф бўлишга чақирди.

— Ғишт кўп, оладиган одам эса кам бўлса, нима қилишсин, бу савдо, ахир! — деган жавобни эшитишди.

Бу гапни ёз бўйи ғишт изларган, йил давомида навбатда турган самарқандликлар эшитишмасин. Ҳар ҳолда эшитишса улар министрликдаги айрим зотларнинг ҳам ҳалқумлари бор шекилли, деб ўйлаб қолишлари мумкин.

Дарвоқе, планлар тўлмаса-да, ҳар бир воқеадан кейин директор ўзига ва ёрдамчиларига устама ҳақ, мукофот ёзишни унутмас эди. Бош бухгалтер Л. Б. Юрченко бир вақтда тағин «Бўрон» ва «Аврора» кооперативларида ҳам ишларди. Экономист О. Шарипова эса кассир «мансаби»нинг маошини олиш билан бирга «Гранит» кооперативининг бош бухгалтери саналар эди. Ҳа, бундай ҳангомалар на қонунга, э, кечирасиз, на қозонга, на чўмичга сиғади. Ҳалқумга эса сиғиб кетавериши мумкин.

Шавкат Бекмуродович ҳамма нарса мумкин экан, деб ўйладилар шекилли «тумшуғи осилиб юрадиган»ларни шарт этиб қисқартириб юбордилар, ўзлари истаганларича буйруқлар битавердилар. Низо ана шундан келиб чиқди. Область тармоқ касаба уюшмаси қисқарганларни ўз жойига тиклади. Уларнинг шикоятлари бўйича Самарқанд шаҳар партия комитети текширув ўтказди. Аризада ёзилганлари тасдиқланди. Шаҳар партия комитети коммунист Ш. Бекмуродов ўз вазифасига нолойиқ эканлигини министрликка маълум қилди.

Министрлик, аниқроқ қилиб айтганда, унинг ишчи таъминоти бошқармаси бошлиғи З. Бобоназаров «Комфорт» директорини «илгари қаттиқ ҳайфсан олган» деган нақл билан сақлаб қолдилар. Бу эса директорнинг «ғайратига-ғайрат» қўшиб юборди. У «аризачи»лардан ўч олишга тушди. Жумладан, катта сотувчилар Р. Истамов, Д. Фатуллаевларнинг меҳнат дафтарчаларига ишончни йўқотганлиги учун деб ёзиб, жавоб берди.

— Нимага бундай қилдингиз? — сўрайман директордан.

— Мана, ҳужжатларим бор. Улар билан ҳужжатсиз гаплашмайман.

Биринчи ҳужжат: Магазин касаба союз цех комитети мажлиси протоколи. Қатнашган — цехком раси А. Азимов, экономист О. Шарипова, бош бухгалтер Л. Б. Юрченко, ишчи Жабборов ва Тўхтамуродов. Ишдан бўшатиш учун Азимов, Шарипов, Жабборов овоз беришган.

Шу протоколнинг сўнгги сатларини айнан келтирмасдан иложимиз йўқ. «Қуйидагиларга мукофот ва ёрдам пули берилсин: Жабборов, Турдиев, Жалилов, Муродов, Тўхтамуродов, Титаренко, Каримова, Шарипова, Орзиев». Бу қўл кўтаришнинг баҳосими? Йўқ, планни тўлдиришгани учун дейилган ҳужжатда... Аммо тўққиз ойлик план тўлмай қолган эди.

— Мана бу ҳужжатлар ҳам бор! — деб директор яна бир қучоқ қоғозни рўкач қилди.

Улардан бири Р. Истамовга жамоатчилик таъсири кўрсатиш ҳақида Темирйўл район ички ишлар бўлимидан 1989 йилнинг 28 мартида, яна бири савдо инспекциясидан ўша йилнинг июнь ойида келган хат. Қизиғи шундаки, директор вақтида бу ҳужжатларни писанд ҳам қилмади. Ҳеч қандай чора кўрмади.

Энди эса орадан вақт ўтиб Р. Истамов унинг кирдикорларини очишга киришганда, улар асосида буйруқ чиқарди.

Ҳа, у ҳар қандай ҳодисанинг йўлини топа олади. Бир куни у базада эканлигида оддий ишчи А. Усмонов харидорга маҳсулот сотиб, унинг ҳақидан 75 сўм 10 тийин уриб қолди. Район ички ишлар бўлими жиноий иш қўзғади. Аммо яқинда у Темирйўл район прокуратурасидан кулиб чиқди. «Сизнинг ҳаракатингизда жиноят состави йўқ» деган қоғоз бор эди-да, қўлида.

Шавкат Бекмуродович ана шундай устаси фаранг бўлиб кетганлар. У киши ҳеч кимга тутқич бермайдилар. Чунки ҳалқумнинг барча йўллари ва сўқмоқларини беш бармоқдай биладилар. Агар ишонмайман десангиз у кишининг фаолиятларидан яна сўзлашга далиллар кўп. Аммо шу ёғи ҳам элакка илинса керак, деб имзо қўйдим.

Жаҳонгир МУҲАММАД.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01052. № 21. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12